ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA



O'zbekiston Respublikasi IIV nashri

2010-yil May

Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • №22(3863)

«УНИВЕРСИАДА – 2010» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Авваламбор, сиз азизларни гўзал ва бетакрор Андижон заминида бошланаётган "Универсиада – 2010" спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда ўзининг қадр-қиммати, ғурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртини ҳимоя қилишга қодир бўлган давлат ва жамиятнигина дунё аҳли тан олади ва ҳурмат қилади.

Биз ўз олдимизга қўйган ана шундай юксак мақсадни амалга оширишда аввало жисмоний баркамол, замонавий билим ва тараққиёт ютуқларини чуқур эгаллаган, иродаси бақувват, маънавий етук авлодни ҳал қилувчи куч сифатида кўрамиз.

Ёшларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етиши, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ўз олдига мақсад қилиб қўйган марраларга кўтарилиши, бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга майдонни кенг очиб бериш мақсадида қабул қилинган умуммиллий дастурларимиз, режаларимиз ва саъй-ҳаракатларимиз бугунги кунда самарали натижаларни бера бошлаётгани барчамизни қувонтиради, албатта.

Мамлакатимизда барпо этилаётган, ўғил-қизларимиз учун бағрини очаётган минг-минглаб замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, санъат, маданият ва спорт масканлари ана шу эзгу, ҳақиқатдан ҳам, тарихий ишларимизнинг амалий натижаси сифатида намоён бўлмоқда.

Айниқса, инсоний камолотнинг энг муҳим шарти бўлган жисмоний тарбия ва спортнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоқ, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш, бу соҳадаги барча ютуқларнинг пойдевори бўлмиш болалар спортини ҳар томонлама ривожлантириш, спорт орқали ёш авлод қалбида ирода, мардлик ва матонат фазилатларини тарбиялаш, ҳаётимизда соғлом муҳитни янада мустаҳкамлаш йўлидаги улкан ишларимиз ҳақида, ўйлайманки, бугун ортиқча гапиришга зарурат йўқ.

Биргина Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан кейинги йилларда қарийб 160 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 1 минг 130 та болалар спорти объекти бунёд этилгани ва жиҳозлангани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Бу ҳақда гапирганда, юртимизда шаклланган, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли ноёб тизимнинг бамисоли қудратли тўлқинга айланиб, миллион-миллион болаларимизни ўз сафига қамраб олаётгани, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб улғайиши учун хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Айниқса, бу тизимнинг юқори босқичи бўлган Универсиада мусобақалари ёшларимиз учун том маънода чиниқиш ва камолот мактабига айлангани эътиборлидир.

Мамлакатимизда бешинчи бор ўтказилаётган Универсиада ўйинлари, мана, ўн йилдирки, нафақат унинг иштирокчилари, балки барча ўғил-қизларимиз, бутун халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, Ўзбекистон талаба-ёшларининг нуфузли спорт анжуманига, таъбир жоиз бўлса, кичик олимпиадага айланди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Ўзининг биринчи умидбахш ютуқларини айнан Универсиада мусобақаларида қўлга киритган 40 нафардан зиёд спортчи ёшларимиз Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё беллашувларида, кўплаб нуфузли халқаро турнирларда юксак шоҳсупаларга кўтарилгани ҳам шундан далолат беради.

Универсиада ҳаракатининг ана шундай эзгу анъаналарини бошлаб берган Аббос Атоев, Абдулла Тангриев, Рустам Саидов, Ришод Собиров, Оқгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров, Элмурод Холиқов каби истеъдодли спортчиларимиз бугунги кунда Ўзбекистон шуҳратини бутун дунёга тараннум этиб келаётгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз азиз фарзандларимизнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, биз – ота-оналар, устоз-мураббийлар сизларнинг тимсолингизда вужудидан куч-ғайрат ёғилиб турган, ўз олдига юксак мақсадлар қўйиб янги дунёқараш, янги тафаккур билан ҳаётга кириб келаётган, биз бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган навқирон авлодни кўрамиз ва бундан барчамизнинг юрагимиз қувонч ва ғурурга тўлади.

Универсиада мусобақаларининг навбатдаги беллашувлари айнан Баркамол авлод йилида бўлиб ўтаётгани ўзига хос рамзий маънога эга эканини, у ҳар бир иштирокчидан катта маҳорат ва масъулият талаб қилишини тушуниш, англаш қийин эмас.

Бугун ана шундай кўтаринки руҳ, баланд кайфият билан белни каттиқ боғлаб майдонга чиқаётган экансиз, ҳеч қачон унутмангки, сизларнинг ортингизда барчамиз учун ягона ва муқаддас Ватанимиз, ҳар бирингизга ғалаба ёр бўлишини тилаб турган бағрикенг ва фидойи халқимиз бор.

Токи қалбингиз, юрагингизда шундай ишонч, шундай эзгу туйғу жўш урар экан, аминманки, сизлар ҳар қандай юксак маррани забт этишда бўш келмайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу Универсиада ўйинларини юқори даражада ўтказиш учун замонавий спорт мажмуаларини барпо этган қурувчиларга, меъмор ва муҳандислар, пудратчи ва ҳомий ташкилотларга, бутун Андижон аҳлига самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Сизларни бугунги ёшлик ва гўзаллик байрами билан яна бир бор табриклаб, мусобақаларда барчангизга бахт ва омад, келгуси ҳаётингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 3 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2010 йил 7 майда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5–6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5–6, 153-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда, №9–10, 165-модда; 2002 йил, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №9–10, 149-модда; 2004 йил, №1–2, 18-модда, №9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №9, 314-модда, №12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, №6, 261-модда, №12, 656-модда; 2007 йил, №4, 158, 166-моддалар, №6, 248-модда, №9, 416, 422-моддалар, №12, 607-модда; 2008 йил, №4, 187, 188, 189-моддалар, №7, 352-модда, №9, 485, 487, 488-моддалар, №12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, №1, 1-модда, №4, 128-модда, №9, 329, 334, 335, 337-моддалар, №12, 470-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **66¹-модданинг биринчи қисмидаги** «ОИТС касаллигини» деган сўзлар «ОИВ касаллиги/ОИТСни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **113-модда:**

номи ва **тўртинчи қисмининг диспозициясидаги** «ОИТС касаллигини» деган сўзлар «ОИВ касаллиги/ОИТСни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши –

олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда, №12, 269-модда; 1996 йил, №5–6, 69-модда, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №4–5, 126-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5–6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда;

(Давоми 2-бетда).

«Универсиада – 2010»

СПОРТ, ЁШЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Андижонда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Универсиада – 2010» спорт мусобақалари бошланди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад йўлидаги изчил ишлар юксак самаралар бермоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шаҳару қишлоқларда ёшларимизнинг пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўз қобилият ва иқтидорини намоён этиши учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар – замонавий мактаб, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари, ёшлар ижод саройлари баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Баркамол авлод йили деб эълон қилинган 2010 йилда Универсиада мусобақаларининг ўтказилиши теран маъно-мазмунга эга. Зотан, баркамол авлод тарбиясида спорт мусобақаларининг ўрни беқиёс. "Универсиада – 2010" якуний босқичига мезбонлик қиладиган Андижон шаҳрида мазкур спорт анжуманига пухта ҳозирлик кўрилди.

Шаҳар янада кўркам қиёфа, ўзгача тароват касб этган. Кўчалар ранг-баранг байроқлар, ёшлик ва спортни тарғиб этувчи панно ва шиорлар билан безатилган. Аэропортдан асосий мусобақалар ўтказиладиган марказий стадионгача бўлган кўчалар анвойи гулларга бурканган.

...28 май. Андижон шаҳридаги "Соғлом авлод" марказий стадиони томошабинлар билан тўла. Бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, халқаро спорт мусобақаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган спортчилар, ота-оналар, талаба ва ўқувчи-ёшлар йиғилган.

Чорлов мусиқаси "Универсиада – 2010" спорт мусобақаларининг очилиш маросими бошланаётганидан дарак беради. Майдонда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари саф тортади.

Андижон вилояти ҳокими А.Усмонов Ўзбекистон олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада – 2010" спорт мусобақаларини очиқ, деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Универсиада – 2010" спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилади.

Мамлакатимиз спортчи-талабалари мусобақасининг рамзи – Универсиада байроғи кўтарилади.

Спортчи ёшлар бўлажак мусобақаларда ҳалол, муросасиз ва мардона кураш олиб бориш ҳақида тантанали қасамёд қиладилар.

Инсон камолотида, унинг жисмонан ва руҳан чиниқиши, иродаси тобланишида, шижоат ва жасорат соҳибига айланишида спортнинг ўрни катта. Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрўсини оширишда ҳам спорт улкан имкониятларга эга.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда спортни оммалаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор замирида ана шу эзгу мақсад мужассам. Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда кўплаб давлатларда катта қизиқиш билан ўрганилаётган мамлакатимиз ёшларининг уч босқичли спорт ўйинлари – умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари", коллеж ва лицейлар ёшлари ўртасидаги "Баркамол авлод" ва олий ўқув юртлари талабаларининг Универсиада мусобақалари ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда, янги истеъдодларни кашф этиш, ёшларни катта спорт сари илҳомлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши самарасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида – шаҳар ва қишлоқларда, олий ўқув юртлари қошида, мактаб, лицей ва коллежларда замонавий талабларга жавоб берадиган спорт заллари, мажмуалари ва иншоотлари барпо этилди. Чекка ҳудудларда ҳам ёшларимиз спорт билан шуғулланиши ва катта спорт мусобақаларини ўтказиш учун мустаҳкам база яратилди.

(Давоми 3-бетда).

Сўнгги қўнғироқ

НУРЛИ КЕЛАЖАККА БОШЛОВЧИ МАЁҚ

Республикамизнинг барча умумтаълим мактабларида 25 май куни сўнгги қўнғироқ чалиниб, навбатдаги ўқув йили ниҳоясига етганини билдирди. Ушбу шодиёналарда мустақил ҳаётга йўлланма олган минглаб ўқувчи-ёшлар ўзларига таълим-тарбия берган устозларига ҳурмат-эҳтиром изҳор этишди. Ушбу қувончли дамларда уларнинг кўнглидан шундай сўзлар ўтган бўлса ажаб эмас: «Устоз, меҳрингизни саҳий бобоқуёшнинг илиқ нурига менгзайман. Ҳар бир сўзингиз, дарсларни астойдил тушунтиришингиз мени оҳанрабодек ўзига тортарди. Сизнинг панд-насиҳатларингиз ҳамон ёдимда: «Билим бу – чашма. Унинг роҳатбахш сувини қанча кўп ичсанг, ҳаёт йўлларида ташналикни ҳис қилмайсан. Келажакда ўз ўрнингни топишинг учун кўп ўқишинг керак». Мактабни битираётган кунда сизнинг ўйчан нигоҳингиз ҳамда кўзингиздан бир томчи ёш юмалаб тушганини илғадим. «Хайр, устоз» деганимда «Толеинг баланд бўлсин», дея оқ фотиҳа бердингиз. Шунда бўғзимга нимадир тиқилиб, «раҳмат» дея олдим, холос...»

Маълумки, ҳар бир давлатнинг келажаги ёш авлод қай даражада камол топаётганига боғлиқ. Зеро, мамлакатимизда бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида ўғил-қизларимизни пухта билимли, жисмонан ва маънан етук, соғлом фикрли шахс қилиб тарбиялашга энг долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Айни пайтда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига кўра таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув-услубий адабиётларни янада такомиллаштириш, маърифий жараёнга янги ахборот-коммуникация ва илғор педагогик технологияларни жорий этишга оид саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Бундай ғамхўрликнинг самараси ўлароқ, ўқувчи-ёшларимиз бор билим ва иқтидорларини ишга солиб, республика ҳамда халқаро миқёсда ўтказилаётган танловлар, фан олимпиадаларида муносиб ютуқларни қўлга киритишаяпти.

Баркамол авлод йили муносабати билан мамлакатимизда бу йилги сўнгги қўнғироқ тантаналари ўзига хос тарзда ўтди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 295 та мактабда ана шундай маросим ташкил этилди. Мазкур тадбирларда ўқитувчилар, халқ таълими бўлими, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этиб, битирувчиларни қизғин қутлашди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2000 йил, №5–6, 153-модда, №7–8, 217-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда, №9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, №1, 20-модда, №9, 165-модда; 2003 йил, №1,8-модда, №5, 67-модда, №9–10, 149-модда; 2004 йил, №1–2, 18-модда, №5, 90-модда, №9, 171-модда; 2005 йил, №1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №9, 312-модда, №12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, №6, 261-модда, №9, 498-модда, №10, 536-модда, №12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, №4, 158, 159, 164, 165-моддалар, №9, 416, 421-моддалар, №12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, №4, 181, 189, 192-моддалар, №9, 486, 488-моддалар, №12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, №1, 1-модда, №9, 334, 335, 337-моддалар, №10, 380-модда, №12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар) **57, 58, 59-моддаларидаги** «ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми)», «ОИТСга», «ОИТС» ва «ОИТСни» деган сўзлар тегишинча «ОИВ касаллиги/ОИТС», «ОИВ касаллиги/ОИТСга», «ОИВ касаллиги/ОИТС» ва «ОИВ касаллиги/ОИТСни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»**ги 816–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, №9, 213-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3, 4, 5, 6, 9, 10, 11** ва **12-моддаларнинг ўзбекча матнидаги** «ОИТС/ОИВ касаллиги», «ОИТС/ОИВ касаллигининг», «ОИТС/ОИВ касаллигини», «ОИТС/ОИВ касаллигига», «ОИТС/ОИВ» деган сўзлар тегишинча «ОИВ касаллиги/ОИТС», «ОИВ касаллиги/ОИТСнинг», «ОИВ касаллиги/ОИТСни», «ОИВ касаллиги/ОИТСга», «ОИВ касаллиги/ОИТС» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7** ва **8-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7-модда. ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтирганлик учун жавобгарлик

Била туриб бошқа шахсни ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш, шунингдек шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

8-модда. ОИВ касаллиги/ОИТС юққан шахсларнинг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида ОИВ касаллиги/ОИТС юққан шахсларнинг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Зарар ўрнининг қопланиши айбдор шахсларни қонунга мувофиқ жавобгарликдан озод этмайди».

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 24 май
№ЎРҚ–248

ТАЙИНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, полковник Абдувахит Бахрамович АГЗАМОВ.

Абдувахит Бахрамович Агзамов 1958 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1980 йилда Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ тиббий ҳушёрхонасининг милиционери лавозимидан бошлаган. 1982–1992 йилларда Ҳамза туманидаги ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими катта инспектори, рота командири ўринбосари, бўлим бошлиғи ўринбосари, ИИВ Хўжалик бошқармаси бўлинма бошлиғи, ИИВ Чет эл фуқароларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш хизмати бўлинмаси бошлиғи, 1992–2010 йилларда ИИВ ЖТСХ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси бўлим бошлиғи, Тошкент шаҳар ИИББ хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Эъзоз

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармасининг 4-алоҳида милиция батальонида ўтказилган тадбир аввалгиларидан ўзгачароқ тарзда ўтди. Шу куни кўп сонли шахсий таркиб қатор йиллардан буён ушбу жамоага сардорлик қилиб келган қадрдон ҳамкасблари, батальон командири, подполковник Мухторжон Усмоновни самимият ва эҳтиром билан тантанали равишда нафақага кузатишди. Сўзга чиққанлар М. Усмоновнинг ички ишлар идораларидаги хизмат фаолияти ҳақида гапирдилар. Кўп йиллик хизмат даврида кўплаб шогирдларга устозлик қилгани тилга олинди.

– Босиб ўтган ҳаёт ва хизмат йўлларимни ўйлаб гоҳо ўзим ҳам ҳайрон қоламан, – дейди Мухторжон ака. – Умр деганлари гўёки шамолдек жуда тез ўтиб кетгувчи экан. Аммо доимо шукр қиламанки, оилам, қадрдон ҳамкасбларим ардоғидаман.

Тадбир сўнггида М. Усмоновга миллий тўн кийдирилиб, қимматбаҳо совғалар берилди.

Самариддин ХАЛИЛОВ.

Тадбир

МАРОҚЛИ МУСОБАҚА

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Зангиота тарбия муассасасида маданий-спорт тадбири бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Тошкент вилояти ИИБ ЖИЭБ, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги қошидаги Республика ўқувчи-ёшлар маркази ва «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси билан биргаликда ташкил этилди.

Тадбирда вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Маҳмуд Алимов ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Мусобақаларда ҳар бир иштирокчининг маҳорати, кучи ва чақконлигини намойиш этиш учун имкон берилди. Мусобақалар шахмат-шашка, стол тенниси каби спорт турлари бўйича ўтказилди.

Ғолиблар қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирландилар. Мусобақа сўнггида муассаса тарбияланувчилари дастурхон атрофида «Ўзбегим ёшлари» ансамблининг концерт дастурини мириқиб томоша қилишди.

– Муассасамиз раҳбарияти ва тарбияланувчилари ушбу тадбир ташкилотчиларига ўз миннатдорлигини билдиради, – деди Зангиота тарбия муассасаси ходими, майор У. Абдураимов. – Бундай учрашувларнинг тез-тез ўтказилиб турилиши ўсмир ёшларнинг қобилиятларини ривожлантиришига ижобий хизмат қилади.

Гўзал ПИРЖАНОВА.

Тошкент вилояти.

Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият

МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентдаги «Пойтахт» бизнес марказида «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишни амалга ошириш доирасида Омбудсманнинг судлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан «Habeas Corpus Act» механизмларини амалда юритиш бўйича ўзаро ҳамкорлиги» мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова, Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий мухтор вакили Томас Кунце, мазкур фоннинг Марказий бошқарув аъзоси Дитер Альтхаус, Германиянинг Саксония ўлкаси Парламенти Президенти Маттиас Рёсслар, Парламентдаги ХДИ фракцияси раиси Штеффен Флат, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адвокатлар палатаси ва бошқа тегишли ташкилот вакиллари иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова кириш сўзи билан очиб, Омбудсман институтининг судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги ва унинг Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишдаги иштирокига тўхталди.

Шундан сўнг Саксония ўлкаси Парламенти Президенти Маттиас Рёсслар Германияда судлов тизимининг ўрни тўғрисида гапириб берди. Шунингдек, Саксония ўлкаси Парламентидаги ХДИ фракцияси раиси Штеффен Флат юртида фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи хусусида тўхталди. Фикр алмашиш ва мунозарадан сўнг эса Ўзбекистонда ҳибсга олиш санкциясини судларга бериш тўғрисидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни амалга оширишда судлов органларининг вазифаси ҳақида республика Олий суди судьяси Тўрабек Раҳмоновнинг фикрлари тингланди.

Юртимизда «Habeas Corpus Act» механизмларини амалга ошириш билан боғлиқ қонунийликни таъминлаш муаммолари ва прокуратура органларининг Омбудсман институти билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Олий курслари катта ўқитувчиси Шоназар Бердиев атрофлича тўхталди.

Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Илҳом Турғунов жиноий ҳуқуқ соҳасидаги давлат сиёсатини янада эркинлаштиришни амалга ошириш бўйича ички ишлар идораларининг вазифалари ҳақида гапириб берди. Шунингдек, тадбирда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашда адвокатуранинг роли ва Омбудсман институтининг судлов структуралари билан ўзаро ҳамкорлик қилишининг халқаро тажрибаси борасидаги маърузалар тингланди.

Конференция якунида тадбир қатнашчилари гуруҳларга бўлиниб, «Суд жараёни: санкция беришда қандай муаммолар мавжуд?», «Суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фаолияти устидан жамоат назоратини кучайтириш» борасида мулоҳазалар олиб бориб, «Habeas Corpus Act» механизмларини амалда татбиқ этишда ҳуқуқни қўллаш амалиёти» мавзусига бағишланган тавсиялар ишлаб чиқдилар. Конференцияда хорижлик меҳмонлар юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид саъй-ҳаракатларни эътироф этишди.

Суннат ШЕРОВ,
майор.
Умида БОЛЛИЕВА,
«Постда» мухбири.

Сўнгги қўнғироқ

НУРЛИ КЕЛАЖАККА БОШЛОВЧИ МАЁҚ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳамза туманидаги 145-умумий ўрта таълим мактаби пойтахтимиздаги намунали билим масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ўқувчиларнинг билим ва лаёқатига қараб муайян фанлар, касб-ҳунарга йўналтириш, тажрибали педагоглар ёрдамида уларнинг дунёқарашини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис ҳам ўқувчилар фан олимпиадалари, интеллектуал баҳслар ва спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этишмоқда. Масалан, мактаб битирувчиси Умида Раҳимова биология бўйича фан олимпиадасининг шаҳар босқичида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди. Синфдошининг бу ютуғидан руҳланган Ирода Азимова ҳуқуқшунослик фанидан фахрли ўринлардан бирини эгаллаган бўлса, Отабек Омонов (таэквандо) ҳамда Жўрабек Эгамбердиев (каратэ) республика чемпиони деган номга сазовор бўлишди.

Ушбу билим даргоҳида ўтказилган сўнгги қўнғироқ тадбирига ташриф буюрганимизда ҳовлида саф тортиб турган ўқувчи-ёшларнинг қувончи чексиз эди. Мактаб директори В. Гладишев йиғилганларни ўқув йили ниҳоясига етгани билан табриклар экан, битирувчи ёшларга оқ йўл тилади. Шундан сўнг бир гуруҳ битирувчилар сўз олиб, келгусида мураббийлар ишончини оқлаш ва юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишга ваъда беришди. Ўқувчилар ижросидаги турли миллатларнинг куй-қўшиқлари шодиёнага ўзгача файз бағишлади. Шунингдек, ёддан шеърлар айтилиб, саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Сўнгги қўнғироқ садолари янгради. Ўқувчилар устозларига гулдасталар беришар экан, кўзларидаги ёшни яшира олишмади.

Фурсатдан фойдаланиб тадбир иштирокчиларини суҳбатга тортдик:

– Ўқувчиларимни янги ҳаётга учирма қилаётганимдан бахтиёрман, – дейди синф раҳбари, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Наргис Раҳмонқулова. – Улар моҳир ва тажрибали педагоглар ёрдамида пухта билим олишди. Тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, ҳуқуқбузарлик ва турли ёт таъсирлардан сақланиш борасидаги тушунчаларни ҳудуд профилактика инспектори, лейтенант Актамжон Норқулов иштирокидаги суҳбатлар, учрашувлар асосида бойитишди. Энди улар олдида турган вазифа – мамлакатимиз шону шавкатини кўтариш, аждодларимизга муносиб бўлиш, юрт равнақи йўлида бор билим ва салоҳиятини ишга солишдир. Бундай эзгу ишларда омад ёр бўлсин.

Таъкидлаш жоизки, республикамиз мактабларида сўнгги қўнғироқ тадбирлари тинч ва осойишта ўтишига пухта тайёргарлик кўрилди. Хусусан, шодиёналар пайтида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан аниқ профилактик тадбирлар амалга оширилди. Ҳудуд профилактика инспектори, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати вакилларидан иборат гуруҳлар мазкур кун битирувчилар хотирасида унутилмас сана сифатида қолиши учун барча хавфсизлик чораларини кўришди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Постда» мухбири.

Суратларда: *мактаб битирувчилари.*

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

Мурувват

МЕҲР ҚОЛУР, ОҚИБАТ ҚОЛУР...

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ашула ва рақс ансамбли иштирокчиларининг вилоятлар бўйлаб гастрол сафари давом этмоқда. Қуйида ансамбль иштирокчиларининг хайрия концерт дастурлари ҳақида жойлардан олинган хабарлар билан таништирамиз.

ЖИЗЗАХ. Шаҳардаги «Сўғдиёна» марказий ўйингоҳида бўлиб ўтган хайрия концертига эл осойишталигини асраш йўлида ҳалоқ бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг оила аъзолари таклиф этилганлиги айниқса эътиборли бўлди.

Дастур давомида хизмат бурчларини бажариш чоғида ҳалоқ бўлган ходимларнинг оила аъзоларига эсдалик совғалари топширилди. Концертдан тушган маблағ ҳисобидан Зарбдор тумани Янги Бўстон шаҳарчасидаги имконияти чекланган болалар махсус-интернатига моддий ёрдам кўрсатилди.

Концертда таниқли сўз усталарининг чиқишлари ва иқтидорли ёш хонандаларнинг қўйқўшиқлари томошабинлар қалбини қувончга тўлдирди.

Б. БАҲОДИРОВ.

* * *

ГУЛИСТОН. Мамлакатимизда 2010 йил «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ансамбль санъаткорлари Гулистон шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ўзларининг сермазмун дастурларини намойиш этишди ва эсдалик совғаларини топширишди. Ушбу хайрия концертидан тушган маблағдан хизмат бурчини ўташ вақтида ҳалоқ бўлган 20 нафар ходимларнинг оила аъзоларига ҳамда Гулистон шаҳридаги Меҳрибонлик уйига хайрия сифатида тарқатилди.

Н. ЙЎЛДОШЕВ.

Суратда: *концерт дастуридан лавҳа.*

Фахрийлар-фахримиз

ҚАДРЛАБ, ҚАДР ТОПИБ ЯШАЙЛИК

Навоий вилоятининг Кармана туманидагилар Низом ота Ашуровни фахримиз, дея эътироф этишади. 1941 йилда отаси Холбобо акани урушга олиб кетишаётганида отаси изидан эргашган Низомни ҳали ёшинг етмайди деб, қолдириб кетишган экан. 1942 йили Низом Ашуров ҳам кўплаб ўзбек йигитлари қатори кўнгиллилардан бири бўлиб фронтга, Ватан ҳимоясига отланди.

– Минамётчилар полкида хизматни бошладик, – дея хотирлайди Низом ота. – Белоруссияда бизларни жанг майдонига олиб кетишаётган эди. Буни қарангки, тоғ тоғ билан учрашмайди, инсон инсон билан учрашади деганларидек, ўша ерда мен учун энг қадрли бўлган инсон отажоним билан учрашиб қолдим. Отам ўшанда бешинчи бор яраланиб, госпиталда даволаниб соғлиги тиклангач яна фронтга қайтаётган эканлар. Мен ўшанда қанчалик қувонганимни, қалбим ғурурга тўлганлигини ҳозир бир сўз билан тасаввур қилиб бера олмайман. Отам ўғлим ҳалол хизмат қилгин, душманнинг кунини кўрсатинглар, насиб этса соғ-омон кўришамиз деб, бағриларига босиб хайрлашдилар. Отамнинг бу сўзлари урушнинг охиригача мени руҳлантириб, далда бўлиб турди.

1944 йили Шарқий Пруссияда бўлаётган жангларда Низом ота оёғидан қаттиқ яраланди. Госпиталда даволаниб чиқиб, яна жангга қайтиб, кўплаб шаҳарларни озод қилишда қатнашди. Кенисберг (ҳозирги Калининград) шаҳрини босқинчилардан озод қилиш вақтида олиб борилган жангларда бошидан яраланади. Даволаниб яна фронтга, қуролдош дўстлари ёнига қайтиб, Берлин шаҳригача мардонавор жанг қилиб боради. Урушдан сўнг яна икки йил хизмат қилиб, 1947 йили кўкси тўла орден ва медаллар билан она юртига соғ-омон қайтиб келди.

1961 йилдан 1981 йилгача Ички ишлар вазирлигига қарашли янги ташкил этилган қўшинларда илк ҳарбий хизматчиларидан бири бўлиб шартнома асосида хизмат қилди. 20 йил самарали хизмат қилиб, кўплаб шогирдлар тайёрлади.

Урушдан сўнг Руқия опа (рахматли икки йил олдин қазо қилган) билан турмуш қуриб етти нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди. Уйли-жойли қилдилар. Ҳозирда отахон ўн тўрт набира, ўн икки эвара ардоғида. 86 ёшни қаршилаётган отахон ҳеч тинч ўтирмайди. Ҳовлидаги дарахтларга шакл беришми ёки бўлмаса фарзандлари, шогирдлари йиғилиб қолишганида уларга меҳр-оқибат ҳақида, шундай озод-обод Ватаннинг қадрига етиб яшаш кераклиги ҳақида панду-насиҳат қилишдан асло чарчамайдилар.

Мана, бугун ҳам Низом отани кўргани шогирдлари келишган экан.

– Менинг биринчи устозим Низом ота бўлади, — дейди ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Бахтиёр Мирзаев. – Отадан ўрганган билим ва тажрибаларим ҳозирда менга жуда асқотаяпти. Бахтимизга доим соғ-омон бўлсинлар.

Низом ота Ашуровнинг ҳаёт йўллари жуда сермазмун. Шунинг баробарида ўсиб келаётган биз каби ёшларга ибратли ҳамдир. Сўнгги сўз ўрнида шундай дегимиз келди, Низом отадек халқимизнинг мард ва жасур ўғлонларини ҳамиша қадрлаб, қадр топиб яшайлик.

Нафосат ЙЎЛДОШЕВА,
оддий аскар.

Навоий вилояти.

Суратда: *Низом ота эвараси Аҳмаджонга хотираларини ҳикоя қилиб бермоқда.*

ЭЛ ҲУРМАТИН ҚОЗОНГАН ИНСОН

Инсон элу юрт орасида қандай яшаши билан эмас, балки умри давомида амалга оширган хайрли ишлари билан ҳурмат-эътибор қозонади. Ана шундайлардан бири ИИВ Қоровул қўшинлари фахрийси, истеъфодаги майор Сирожиддин Юсуповдир.

Дастлаб хизматни 1971 йилда Тошкент шаҳридаги генерал-лейтенант Б. Сирожиддинов командирлик қилган қўшилмада оддий аскарликдан бошлаган. Йигитлик бурчини ўташ баробарида ўзининг ҳақиқий ҳаёт йўлини белгилаб олади. Шу боис аскарлик муддати тугагач, қўшилма қошида очилган мутахассисларни тайёрлаш мактабида ўқиб, билимларини янада мустаҳкамлайди.

Шундан сўнг Самарқанд шаҳридаги ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли бўлинма тезкор қидирув гуруҳи бошлиғи лавозимида хизматни давом эттиради. Жанговар вазифаларни бажариш жараёнида командирлар эътиборини қозонди. Ўз навбатида Сирожиддин аканинг бу хизматлари қўмондонлик томонидан муносиб рағбатлантирилди: аввал старшина, сўнг эса офицерлик унвонини олди, взвод командири ва рота командири лавозимларида самарали хизмат қилиб майор унвонига эришди ва кўплаб шогирдлар етиштирди.

Узоқ йиллар юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилиш айтишга осон. Обрў-эътибор, иззат-икром билан нафақага чиқиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган бахт.

Ҳозирда Сирожиддин ака тўрт ўғил, тўрт келин ва ўн нафар набиралар ардоғида турмуш ўртоғи Меҳри опа билан умргузаронлик қилмоқда.

Фарзандлари – сержант Сухробжон Юсупов ҳарбий хизматчи, Савлатжон ўқитувчи, Санжар ҳайдовчи бўлса, Салоҳиддин эса Самарқанд шаҳар ҳарбий судида ишлайди.

– Ҳаётимдан беҳад мамнунман, – дейди у киши. – Меҳнатим туфайли элда обрў топганимдан хурсандман.

Сирожиддин ака 60 ёшни қаршиламоқда. Умрнинг ҳар лаҳзасини ғанимат билган фидойи инсон ҳозир ҳам уйда бамайлихотир ўтиришини ўзига эп кўрмайди: Самарқанд шаҳридаги Садриддин Айний маҳалласи фаоллари билан бирга ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Биз тиниб-тинчимас бу фидойи инсонни табаррук ёши билан қутлаб, келгусидаги эзгу ишларига омад, ўзларига эса сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,
катта сержант.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

КАМОЛОТ САРИ

Республика Ички ишлар вазирлигига қарашли 3/9-сонли болалар боғчаси Юнусобод туманининг ям-яшил дарахтзор билан бурканган сўлим гўшасида жойлашган. Муассасанинг икки қаватли кўркам биноси янги таъмирдан чиққанлиги билиниб турибди. Атрофида барқ уриб очилиб ётган гуллар баҳридилингизни очиб юборади. Тарбияланувчилар ҳовлидаги майдончаларда ўйнаб юришибди. Бир гуруҳ кичкинтойлар икки сафга тизилиб «Оқ теракми, кўк терак», яна бир гуруҳи доира бўлиб «Сичқон – мушук» ўйинларини ўйнашаяпти. Уларнинг шодон қийқириқлари, кулгулари қалбингизга қувонч бағишлайди. Болажонларни завқ билан кузатиб тургандик, ўзини боғча мудираси Шоҳида Донёрова деб таништирган ўрта бўйли аёл ёнимизга келиб, муддоамизни эшитгач, ичкарига бошлади.

Залга кириб келар эканмиз, эртак қаҳрамонларининг бисерда тўқилган, қўлда ясалган ҳайкалчалари, қоғозларга ёпиштириб деворга илиб қўйилган суратлари диққатимизни тортди.

– Боғчамизда 150 нафар кичкинтойлар тарбияланмоқда, – деди боғча мудираси Шоҳида Донёрова. – Икки-уч ёшлиларга мўлжалланган иккита кичик, уч-тўрт ёшлилар учун иккита ўрта, битта катта ва мактабга тайёрлов гуруҳларига бўлинган. Муассасамизга республика ИИВ раҳбарияти томонидан доимо ғамхўрлик кўрсатилиб келинмоқда. Бино тўла таъмирдан чиқарилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Яқинда мактабга тайёрлов гуруҳи болаларининг боғча билан хайрлашув маросими ўтказилади. Тайёргарлик ишлари аллақачон бошлаб юборилган, бу борада мусиқа раҳбари Татьяна Кудинова катта ёрдам беряпти.

Ёруғ, кенг, турфа декорациялар билан безалган заллар эътиборингизни тортади. Гўёки беғам, беташвиш болалигингизга қайтгандек ҳис қиласиз ўзингизни. Бир дамга бўлса-да, болага айланишни истайсиз. Шу ўй-хаёллар билан залдан ўтиб, мусиқа хонасига кирдик.

Турли чолғу асбоблари, замонавий мусиқий марказ билан жиҳозланган, байрамона безатилган бу хонада Татьяна Кудинова пианино чаляпти, уч-тўрт болакай қизалоқлар билан рақсга тушишмоқда эди.

Мусиқа хонасидан ўтиб, мактабга тайёрлов гуруҳига кирдик. Хонадаги барча жиҳозлар бир-бирига уйғун равишда жойлаштирилган: замонавий парталар, доска, ўйинчоқлар, китоб-дафтарлар учун мўлжалланган шкафчалар. Гуруҳдаги болалар инглиз тили билан шуғулланаётган экан.

– Мактабга тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Кундуз Нигматшоева бу ерда 25 йилдан буён ишлайди. Малакали мутахассис, ўзининг ширин сўзи, юмшоқ феъллиги билан нафақат болалар, балки ота-оналарнинг ҳам ҳурматини қозонган, – деди ҳамроҳимиз Шоҳида опа.

Яна муассасани айланишда давом этамиз.

– Боғчамиз тўла таъмирдан чиққандан сўнг, вазирлик раҳбарияти ташриф буюриб, шароитларимиз билан танишиб чиқишди, – дея суҳбатни давом эттирди Шоҳида опа бошқа гуруҳга йўл оларканмиз. – Уларнинг ҳомийликлари остида боғчамиз янги болалар ётоғидаги каравотлар, парда, гиламлар, юмшоқ ўйинчоқлар билан таъминланди. Замонавий доскалар, парталар келтирилди. Бунинг учун ИИВ раҳбариятига самимий миннатдорлик билдирамиз.

Яна гуруҳлардан бирига кирдик. Йигирма чоғли болажонлар турли юмушлар билан банд. Бири ўйинчоқ тикув машинасида нимадир тикяпти, яна бир қизалоқ қўғирчоқни кийинтириш билан овора. Бошқа четда эса болажонлар учун мўлжалланган сартарошлик столи олдида бир болакай ўртоғининг сочини тараб қўяяпти. Беш-олти нафар болажонлар турли суратлар чизиш билан машғул...

Сурат чизаётган боланинг ёнига бордик.

– Ниманинг сурати?

– Бу-ми, қуёш.

– Нима қилади у?

– У-чи ҳаммаёқни ёритади, иситади.

Думбоққина бир болакай эса ўйинчоқ машинага қараб расм чизмоқда.

– Мен дадамга ўхшаб машина ҳайдайман, – деди қўлини рул ушлаган ҳайдовчидай кўрсатиб.

Боғча мудираси бизни болаларнинг ўзлари ясаган турли ўйинчоқлар ва ҳунармандчилик ишлари қўйилган хонага бошлаб кирди. Мурғак тасаввури билан ижод қилган болажонларнинг ишларини кўриб янада завқимиз ортди. Турли қўғирчоқлар, қушлар, варраклар, қоғоз гуллар жажжи ўғил-қизчаларнинг ўзларидек ширин бўлиб турибди.

– Болажонларнинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етишлари учун ИИВ тизимидаги барча боғчаларда режа асосида байрамлар, очиқ машғулотлар, турли соғломлаштириш ишлари кўзда тутилган, – дейди ИИВ хўжалик бошқармасига қарашли мактабгача таълим муассасалари инспектори Нодира Қодирова. – Ёзги мавсумга ўтилганидан сўнг болажонларга тўрт маҳал овқат тарқатилади. Дармондориларга бой бўлган маҳсулотлардан таомнома тузилади. Очиқ ҳавода болажонлар ёш бўйича турли ўйинлар ўйнашади.

Боғчадан қайтар эканмиз, шундай қулай, замонавий шароитда тарбияланаётган болалар албатта ватанпарвар, жамият учун керакли, юртга нафи тегадиган, келажаги буюк давлатимизнинг ишончли ворисларига айланишларига умид қилдик.

Гули Нигор АВАЗОВА.

Суратларда: *болалар боғчаси фаолиятидан лавҳалар.*

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

Баркамол авлод – миллат келажаги

ЁШЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Ҳазорасп педагогика касб-ҳунар коллежида «Ёш фуқаро» тадбири бўлиб ўтди. Тантанали кечага туман ИИБ раҳбарияти ҳамда жамоатчилик ташкилотлари вакиллари ташриф буюришди. Тадбирни коллеж директори Дилором Юсупова очар экан, ёшларнинг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрнига алоҳида тўхталиб ўтди. Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Шоназар Султонов, Ҳазорасп шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Боғбек Қосимов, туман ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси бошлиғи, майор Ҳасанбой Қаландаровлар фуқаролик масъулияти, паспорт қоидаларининг муҳим жиҳатлари ва уларга риоя этиш тартиблари хусусида ўқувчиларга тушунтириш беришди.

Тадбирда туман ИИБ ХЧК ва ФРБ томонидан 57 нафар ўқувчига Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи муҳим ҳужжат – миллий паспортимиз тантанали равишда топширилди.

– Бугун ҳаётимдаги энг қувончли кун, – дейди коллеж ўқувчиси Дилфуза Юсупова. – Фуқароликни тасдиқловчи муҳим ҳужжатга эга бўлдим. Бу мени тенгдошларимга ҳар жиҳатдан ибрат бўлишга, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга ундамоқда. Зиммамдаги бундай масъулиятни чуқур ҳис қилиб, уни шараф билан адо этишга астойдил ҳаракат қиламан...

Тадбирда сўзга чиққан коллеж ўқувчилари бор куч-ғайратини мамлакатимиз тараққиёти учун сарф этишга, Ватанимизнинг муносиб фарзандлари бўлишга ваъда беришди.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Постда» мухбири.

Суратда: *паспорт олган бир гуруҳ ёшлар.*

Муаллиф олган сурат.

«Универсиада – 2010»

СПОРТ, ЁШЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Илк Универсиада мусобақалари 2000 йилда Наманган шаҳрида бўлиб ўтган эди. Ўшанда мусобақаларнинг финал босқичида спортнинг 9 тури бўйича 1712 нафар талаба иштирок этган бўлса, Бухорода ўтган Универсиадада 2300 нафардан ортиқ талаба спортнинг 12 тури бўйича беллашди. Самарқандда ўтган "Универсиада – 2004" спорт билан шуғулланиш учун нафақат шаҳарда, балки қишлоқ жойларда ҳам яратилган шарт-шароит самарасида ёшларнинг маҳорати ва иқтидори ошганини намоён этди. Пойтахтимиз мезбонлик қилган "Универсиада – 2007" мусобақаларини том маънодаги Олимпиада ўйинларига қиёслаш мумкин. Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари терма жамоалари иштирокчилари орасида халқаро мусобақалар совриндорлари, Осиё ва жаҳон чемпионларининг борлиги мусобақалар нуфузи ва савиясининг ошишида алоҳида ўрин тутди.

Ҳа, ўтган ўн йил ичида Универсиданинг салоҳияти ошиб борди. Бу нафақат спорт ўйинлари иштирокчиларининг кўпайганида, айни пайтда беллашувлар кескин ва муросасиз ўтишида, медаллар сонининг ортганида, спортчилар кўрсаткичларининг йилдан-йил яхшиланиб бораётганида ҳам яққол кўзга ташланади. Универсиада спорт ўйинлари бошланганидан буён унда минглаб талабалар иштирок этди ва кўплаб медаллар қўлга киритилди, спортнинг бир қатор турлари бўйича янги рекордлар ўрнатилди. Энг муҳими ёшларимизнинг иқтидори, чиниқиш даражаси ошмоқда. Универсиада мусобақаларига тайёргарлик кўриш давомида ўнлаб спорт саройлари, мажмуалари, стадионлар бунёд этилди ва замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланаётир.

Бугун бокс, кураш, шахмат, бадиий гимнастика, теннис ва бошқа спорт турлари бўйича мамлакатимизда яратилган мактабларни бутун дунё эътироф этмоқда. Нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, Ватанимиз обрўсини баланд кўтараётган ўнлаб иқтидор соҳиблари ана шу уч босқичли спорт ўйинларида кашф этилган.

Энг муҳими, ёш авлодда спортга иштиёқ, юксак марраларга интилиш ҳисси ортмоқда. Универсиада каби нуфузли мусобақаларда ғалабага эришиш мамлакатимиздаги ҳар бир йигит-қиз учун юксак мақсад, эзгу орзу, фахр-ифтихор манбаига айланмоқда.

Халқимиз ўртасида "кичик Олимпиада" номини олган Универсиада мусобақалари бу йил ҳам баскетбол, волейбол, кураш, белбоғли кураш, дзюдо, енгил атлетика, теннис ва стол тенниси, футбол, гандбол, шахмат ва сузиш каби 12 спорт тури бўйича ўтказилмоқда. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан факультетлар, сўнгра олий ўқув юртлари ўртасидаги беллашувларда саралланган 14 терма жамоа қатнашмоқда. Иштирокчилар сафида қизларнинг тобора кўпайиб бораётгани айниқса қувончлидир.

Барча жойларда мусобақалар замонавий инвентарлар билан жиҳозланган спорт заллари, спортнинг муайян турига ихтисослашган ўнлаб секцияларга эга мажмуаларда ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар олий ўқув юртларининг спортчи-талабалари орасидан энг иқтидорлилари сараланди. Энди улар "Универсиада – 2010" финал босқичида беллашади. Мусобақа жараёнида, шунингдек, уч юзга яқин мураббий ва ҳакам иштирок этади.

...Стадионга ёш спортчилар, раққосалар, таниқли эстрада хонандалари кириб келади. Рангоранг безаклар, турфа чироқлар байрамга ўзгача файз ва тароват бахш этади. Майдон узра таралаётган шўх мусиқа ёшларни рақсга чорлайди, тантанавор руҳ қалбларга қўчади. Қалбларда бетакрор Ватанимиздан фахрланиш, унинг ёрқин келажаги бўлган иқтидорли йигит-қизларидан ғурурланиш туйғулари жўш уради. Ёшлик ва спорт байрами бошланади.

Универсиада мусобақалари олдидан Андижон шаҳрида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мусобақалар ўтказиладиган 31 объект замон талаблари асосида таъмирланди. Жумладан, асосий беллашувлар бўлиб ўтадиган Андижон давлат университети, қишлоқ хўжалик институти, чет тиллар институти ҳамда Андижон тиббиёт институти, Олимпия захиралари спорт коллежи янгича қиёфа касб этди. Мавжуд спорт заллари таъмирдан чиқарилди ҳамда зарур спорт жиҳозлари билан таъминланди. Мусобақа иштирокчиларининг яшаши, овқатланиши ва мазмунли дам олиши учун барча қулайликлар яратилди. Ахборот марказлари ташкил этилиб, компьютер, факс ва телефон алоқаси билан таъминланди.

...Стадионга "Универсиада – 2010" машъаласи олиб кирилади. Барчанинг диққат-эътибори машъала кўтарган спортчиларга қаратилади. Машъала Ўзбекистон Фанлар академияси "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институтидаги улкан қуёш қозонидан ўт олдирилган. Уни ёш иқтидорли спортчилардан иборат эстафета қатнашчилари автокортеж ҳамроҳлигида Тошкент вилоятининг Паркент туманидан Андижонга олиб келди.

Талаба-ёшларнинг "Универсиада – 2010" спорт ўйинлари машъаласини таниқли спортчилар – сузиш бўйича Осиё кубоги совриндори Шоҳруҳ Юнусов, самбо бўйича Осиё чемпиони Дилдора Убайдуллаева ёқди.

"Универсиада – 2010" спорт мусобақаларининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Хусниддин БЕРДИЕВ,
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Маъсуд СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Йўлингиз бехатар бўлсин!

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МЕЪЁРИЙ ТАЛАБЛАР

Кейинги пайтларда республикамиз йўлларида транспорт оқими тобора кўпайиб бормоқда. Бу эса ҳайдовчилардан автомашинани масъулият билан бошқариш, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш, транспорт воситаси техник соз ҳолда бўлишини талаб этади. Хўш, бу борада нималарга эътибор бериш зарур? Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХХББ катта инспектори, подполковник Мансуржон РИХСИЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

– Транспорт воситасини бошқараётган ҳайдовчининг ёнида қандай ҳужжатлар бўлиши керак?

– Амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг «Ҳайдовчиларнинг умумий мажбуриятлари» деб номланган бандида шу хусусда маълумот берилган. Жумладан, машина бошқараётган ҳайдовчи ёнида ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини олиб юриши лозим. Агар ҳайдовчилик гувоҳномаси ЙПХ ходими томонидан асосли равишда олиб қўйилса, транспорт воситасини вақтинчалик бошқариш ҳуқуқини берувчи талон, мабодо, ҳар иккиси ҳам маълум сабабларга кўра олиб қўйилган ҳолда вақтинчалик рухсатнома бўлиши талаб этилади. Шу билан бирга ҳайдовчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат (фуқаролик паспорти ва ҳоказо)ни ҳам тақдим этиши зарур. Шунингдек, у автомобиль эгаси билан йўлга чиқар экан, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжат, эгаси ёнида бўлмаган ҳолда эса умумий эгалик ҳуқуқини берувчи, тасарруфига ёки фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши лозим. Йўловчи ёки юк ташувчи автомашиналарнинг ҳайдовчилари эса йўл варақаси ва ташилаётган юкнинг ҳужжатларини олиб юришлари керак.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингани муносабати билан ҳар бир ҳайдовчида транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полислари бўлиши шарт.

– Айрим йўл-транспорт ҳодисаси транспорт воситасининг техник носозлиги туфайли содир бўлади. Буни инобатга олиб автомобилларни техник кўрикдан ўтказиш тартиби ва тўловлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарорига кўра йўловчи ташиш билан шуғулланувчи, шунингдек, хавфли юкларни олиб юришга мослаштирилган транспорт воситалари бир йилда икки марта техник кўрикдан ўтказилади. Ишлаб чиқарилганига беш йилдан кўп бўлмаган транспорт воситалари икки йилда бир марта, ишлаб чиқарилганига беш йилдан ошганлари эса бир йилда бир марта техник кўрикдан ўтказилади. Техник кўрикдан ўтиш учун автобус, юк ва енгил автомобиллар учун энг кам иш ҳақининг 10, мототранспорт, тиркама ва ярим тиркамалар учун энг кам иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида тўлов белгиланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир ҳайдовчи бу муддатларни кутиб ўтирмай, ўз автомашинасини вақти-вақти билан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасида назорат кўригидан ўтказиб турса фойдадан холи бўлмайди. Йўлга чиқишдан олдин автомашинасининг техник ҳолатини бир бор кўздан кечириб олишини тавсия қилардик.

– Айрим ҳайдовчилар автомашиналари ойналарини меъёридан ортиқча қорайтириб олишади. Бундай ҳолатда транспорт эгасига нисбатан бирор чора кўриладими?

– Амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 7.3 бандига асосан, транспорт воситасига теварак-атроф кўринишини чеклайдиган қўшимча нарсалар, кўзгусимон, шунингдек, тегишли давлат стандартларида белгиланган меъёрларни бузган ҳолда тайёрланган, туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналар ўрнатилган бўлса ЙПХ инспектори томонидан маъмурий баённома расмийлаштирилиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддасига кўра, қоидабузарлик (ҳуқуқбузарлик) сабаблари бартараф этилгунга қадар ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунча автомашина жарима майдончасида ушлаб турилиши мумкин.

– Йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, воқеа жойидан қочиб кетган ҳайдовчига қандай чора кўрилади?

– Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 137-моддасига биноан йўл-транспорт ҳодисаси қатнашчиларининг белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ҳодиса юз берган жойдан кетиб қолиши энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасига кўра эса ҳаёти ёки соғлиги хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга имкони бўла туриб ёрдам кўрсатмаса, ёхуд жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйса, бу ҳолат баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келса, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмиш одам ўлимига сабаб бўлган тақдирда эса олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Суҳбатни М. ИБРАГИМОВА ёзиб олди.

2010 йил – Баркамол авлод йили

«ҚАЛБИГА ДОҒ ТУШМАСИН»

Гулистон тумани маркази Деҳқонобод шаҳарчасидаги «Ўзбекистон» маҳалласи фуқаролар йиғинининг навбатдаги йиғилишда асосий масалалардан бири – шу ҳудудда яшовчи Б. Суяркулнинг оиласига бўлган муносабати муҳокама қилинди. У ичкиликка ружу қўйиб, хотини билан деярли ҳар куни жанжаллашиб, болаларини ҳам безор қилган. Маҳалла фаоллари Б. Суяркулга агар оиласидаги аҳвол ўзгармаса, уни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиб, болаларни меҳрибонлик уйига топшириб юборилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришди. Маҳалладошлари олдида изза бўлган йигит ичкиликни ташлаб, ҳозир фермер хўжалигида ишлаяпти.

Икки нафар ўсмир Н. Убайдулло билан Б. Адҳам эса эрталаб уйдан мактабга бораман деб чиқиб кетиб, бозорчада дайдиб юрган, дарсларга қатнашмаган. «Давомат» тадбирида аниқланган мазкур ҳолат бўйича ҳам капитан А. Тожибоев тезда чора кўришга киришди.

– Ўсмирлар билан суҳбатлашганимда, – деди капитан А. Тожибоев, – уларнинг юриш-туриши билан ота-онаси қизиқмагани, дарс тайёрлашини ҳам назорат қилмагани маълум бўлди. Мактаб раҳбарлари ва болаларнинг ота-оналари билан учрашиб, бу ҳолат муҳокама қилинди. Болалар назоратга олингач, дарсларга мунтазам қатнаб, яхши ўзлаштира бошлади. Уларга тарбиячи ҳам бириктириб қўйилди.

Гулистон тумани ИИБ ҲООБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳининг рўйхатида ўттиз нафар боланинг исм-шарифи қайд этилган. Капитан Азамат Тожибоев ва гуруҳ профилактика инспекторлари томонидан рўйхатдаги ҳар бир ўсмирнинг оиласи, мактабда дарсларга қатнаши, бўш вақтларини қандай ўтказиши назоратга олинган.

– Капитан Азамат Тожибоев тумандаги вояга етмаганларга ўз фарзандидек муносабатда бўлади, – дейди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, капитан Акмал Абдуллаев. – Ҳар бир қишлоқ, маҳаллада болаларнинг бўш вақтини бекорга ўтказмаслиги учун тўгаракларга, касб-ҳунар ўрганишга жалб этишга ҳаракат қилади. Деҳқонобод шаҳарчасида унинг ташаббуси билан 61-милиция таянч пунктида каратэ тўгараги ташкил этилиб, элликдан ортиқ ёшлар шуғулланяпти.

– Баркамол авлод йили бизга янада катта масъулият юклади, – деди капитан Азамат Тожибоев. – Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан ёш авлодни ҳар томонлама етук этиб вояга етказиш учун катта ғамхўрлик кўрсатиляпти, бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда биз ҳам бор имкониятимизни ишга солиб, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг содир этилмаслигига, болалар ҳар томонлама баркамол бўлишлари учун ҳисса қўшишимиз керак. Уларга оилада, мактабда тўғри тарбия бериб, турли иллатлар, ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликка аралашиб қолмасликларини назорат қилиши керак, токи ҳеч бир боланинг қалбига доғ тушмасин.

Азамат Тожибоевнинг вояга етмаганлар билан ишлаш борасида намуна олишга арзигулик ишлари кўп. Бу фидойи ходимни вилоятда ибрат қилиб кўрсатишлари ҳам бежиз эмас. Йилнинг ўтган даври мобайнида у хизмат қилаётган ҳудудда вояга етмаганлар иштирокида ҳуқуқбузарлик ёки жиноятчилик қайд этилмади. Бу профилактика катта инспекторининг саъй-ҳаракатлари самарасидир.

Дарвоқе, Гулистон тумани ИИБ ҲООБ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, капитан Азамат Тожибоев «Намунали милиция таянч пункти» конкурс-кўргазманинг 2009 йил якуни бўйича республика босқичида «Ёшлар ҳуқуқлари ҳимоячиси» номинациясида ғолиб деб топилди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.
Суратда: капитан Азамат Тожибоев ўсмирлар билан суҳбатлашмоқда.
Назиржон ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Сирдарё вилояти.

Қўриқлаш хизмати

ҲУШЁРЛИК ПАНД БЕРМАЙДИ

Ярим тунда марказий қўриқлаш пультига уланган ташвишогоҳ ишлаб кетди.

– Зудлик билан банкка боринглар, жиноятчилар ичкарига кирганга ўхшайди! – деди навбатчи қўлга олиш гуруҳи аъзоларига.

Ички ишлар идоралари ходимлари ўтирган машина шитоб билан олға интилди. Навбатчи воқеа ҳақида туман ИИБ ва соҳавий хизматлар вакилларини огоҳлантириш асносида бутун шахсий таркибни оёққа турғазди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қўлга олиш гуруҳи аъзолари рация орқали алоқага чиқиб, банкни ўмаришга уринган шахслар қўлга олинганини маълум қилишди. Шундай қилиб режа асосида ўтказилган жанговар ўқув машғулоти муваффақиятли якунланди.

– Биз асосан туман ҳудудида жойлашган турли тоифадаги иншоотлар, бир қатор йирик муассасалар ва фуқаролар хонадонларини ишончли қўриқлаш учун бор имкониятларни ишга солаяпмиз, – дейди Ғузор тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи, майор Мамарасул Тоғаев. – Қўриғимизда айни пайтда 60 дан ортиқ объект ва 20 га яқин хонадон бор. Замонавий қўриқлаш воситалари билан таъминланган 46 та иншоот техник-қўриқлаш масканига уланган. Энг катта ютуғимиз шундаки, шу пайтгача объектларнинг бирортасига нисбатан тажовуз қилиш ҳолатлари қайд этилмади.

Соҳада эришилаётган ютуқларга қарамай, ғузорлик қўриқчилар хотиржамликка берилишмаяпти. Шахсий таркиб ўртасида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ҳар бир ходимни касбга садоқат руҳида тарбиялаш, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини оширишга энг зарур вазифа деб қаралмоқда.

– Шахсий таркибнинг аксариятини ёшлар ташкил этади, – дейди майор М. Тоғаев сўзини давом эттириб. – Масалан, сержант Ойбек Тўхтаев, кичик сержантлар Даврон Расулов, Хусниддин Тўхтаев, сафдор Содиқ Бурхоновларнинг сафимизга келиб қўшилишганига унча кўп бўлгани йўқ. Аммо қисқа вақт ичида ўзлари танлаган касбнинг сир-асрорларини пухта ўзлаштиришга муваффақ бўлдилар.

Бўлинма ходимлари корхона ва ташкилотларда текширувлар ўтказиб, 70 дан зиёд майда ташмачилик ҳолатларини аниқлашди. Соҳа нуфузини ошираётган йигитлар шу билан чекланиб қолмай, бошқа хизмат вакиллари билан ҳамкорликда ички ишлар бўлими томонидан ўтказилаётган турли тадбирларда фаол иштирок этиб келишаётир. Жумладан, туманнинг Қўштепа қишлоғида истиқомат қилувчи Ф. Йўлдошев спиртли ичимлик истеъмол қилиб, қишлоқдоши И. Сатторовнинг қўрасидан қўйини олиб чиқаётганда хонадон эгалари келиб қолади. Жиноий мақсадини охирига етказа олмаган шоввознинг қилмишини фош этишда бўлинма ходимлари фаол иштирок этишди.

Хуллас, ҳушёрлик ҳеч қачон панд бермайди. Буни масъулият билан англаган соҳа ходимлари фаолликни бир лаҳза ҳам сусайтирмасликка ҳаракат қилишаётир.

Майсара ҚЎЙЛИЕВА.

Қашқадарё вилояти.

Хавфсизлик ўз қўлимизда

АВТОМОБИЛДАН САҚЛАНИНГ!

Мустақиллик шарофати билан юртимизда ишбилармонларга кенг йўл очиб берилди. Шу боис фуқароларимизнинг иқтисодий аҳволи тобора яхшиланиб бормоқда. Буни хонадонларда транспорт воситалари кўпаяётганидан ҳам билиш мумкин. Узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилаётган автомобилларнинг борлиги яхши. Бироқ улар билан боғлиқ баъзи нохушликлар ҳам учраётгани кишини ташвишга солаяпти.

Гурлан тумани ИИБ навбатчилик қисмига Самандар Ёқубовга тегишли «Ваз – 2102» русумли автомашина номаълум шахс томонидан олиб қочилганлиги тўғрисида ташвишли хабар тушди. Вилоят бўйича «Тўсиб ушлаш» тадбири эълон қилиниб, автомобиль «ишқибози» тезда қўлга олинди. Машина ўғирланишида ҳайдовчининг эҳтиётсизлиги, лоқайдлиги гурланлик С. Ўктамга қўл келган эди. Тергов давомида у икки йил аввал фуқаро И. Жумабоевнинг «Москвич–2141» русумли автомашинасини маст ҳолда олиб қочиб, унга катта миқдорда моддий зарар етказгани аниқланди.

Шуни айтиш лозимки, айрим автомобиль эгалари транспорт воситаларини дуч келган ерга қўйиб кетадилар. Ваҳоланки, кўп жойлар, хусусан, бозорлар олдида пуллик автотураргоҳлар фаолият кўрсатмоқда. Янгиариқлик Комил Болтаев «Дамас» русумли автомашинасини Урганч марказий деҳқон бозори олдидаги Жиззах кўчасида қаровсиз қолдирди. Унинг бозорга киришини пойлаб турган, муқаддам судланган Т. Шоназар ва унинг шериги Э. Маҳмуд автомашина эшигининг қулфини бузиб, 1 миллион 540 минг сўмлик молларни ўғирлашди. Урганч шаҳар ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида улар ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Урганч шаҳрининг Шарқ кўчасида яшовчи Карим Собиров «Дамас» русумли автомашинасини тунги пайт қаровсиз қолдирганлиги сабабли муқаддам ўғирлик жинояти учун судланган Р. Сардор унинг магнитафонини ўмарди.

Вилоят ИИБ томонидан Урганч шаҳридаги маҳаллалар, кўп қаватли уйлар олдида ва бошқа жойларда транспорт воситаларини олиб қочиш билан боғлиқ жиноятлар ўрганилганда 11 та автотураргоҳ учун жой ажратилган бўлишига қарамай ҳозирги пайтда улардан атиги 2 таси ишлаётгани маълум бўлди. Биргина 19 февраль куни ўтказилган текширувда Урганч шаҳрида 217 та автомашина тунги пайт қаровсиз ҳолда кўчаларда қолдирилгани ойдинлашди. Ушбу ҳолат юзасидан фуқаролар билан суҳбатлашилганда уларнинг аксарияти машиналарни сақлаш учун гараж ёки яқин атрофда автотураргоҳлар йўқлигини маълум қилишди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, шаҳар ҳудудида архитектура талабларига жавоб берадиган автотураргоҳлар қурилиши мақсадга мувофиқдир. Бу билан автомашиналар хавфсизлигини таъминлашдан ташқари кўплаб жиноятларнинг олдини олган бўламиз.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, майор.

Хоразм вилояти.

ИИВ Матбуот маркази хабарлари

НИҚОБЛАР ЕЧИЛГАНДА

Юзларига ниқоб кийиб олган номаълум шахслар Андижон шаҳрида яшовчи нафақадор А. Дубровнинг уйига бостириб киришди. Босқинчилар унинг боши, елкаси ва қурагига шафқатсизларча болға билан уриб, 1000 АҚШ доллари талаб қилишди. Шундан сўнг ётоқхонада турган 26 минг сўм пул ва «Нокия» русумли уяли телефонни қўлга киритиб, воқеа жойидан қочиб кетишди.

Изқуварларнинг тезкор саъй-ҳаракатлари изсиз кетмади. Ушбу жиноятни ишламайдиганлар, Қ. Ҳабибулло, М. Шавкат ва А. Дилмурод содир этганлиги аниқланиб, ушландилар.

МАШИНА ТОПИЛДИ, АММО...

Фуқаро Ж. Пўлатовга тегишли пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидан олиб қочилган «ВАЗ-2106» автомашина Собир Раҳимов тумани Себзор даҳасидан олд қисмининг чап томони урилган ҳолда топилган эди. Қўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни содир этган шахслар аниқланди. Улар Тошкент туманида яшовчи И. Абдурахим ва У. Эркин бўлиб чиқди.

МОЛХОНАДАГИ КЎКНОРИ

Мамлакатимизда ўтказилаётган «Қорадори – 2010» тадбири давом этмоқда. Бухоро вилояти Когон тумани Сиёзбобо қишлоғида яшовчи нафақадор А. Отамуродовнинг ҳовлиси кўздан кечирилганда молхонасидан 2 килограмм 300 грамм кўкнори гиёҳвандлик моддаси топиб олинди.

Қонун олдида ҳамма тенг. Энди нафақадор қария терговда кўрсатма беришига тўғри келади.

ҚУРОЛ МУАММО БЎЛМАСИН ДЕСАНГИЗ

Ўқ отар қуролларни қонунга хилоф равишда сақлаган фуқаро тегишли тартибда жавобгарликка тортилиши барчага маълум. Буни Жиззах вилоятининг Зомин туманида яшовчи 46 ёшли Душабой Худоёровнинг билмаслиги мумкин эмас эди. Бироқ тезкор тадбирлар натижасида унинг уйида «ТОЗ» русумли 16 калибрли ов милтиғи ноқонуний сақланаётгани аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан дастлабки терговолди ҳаракатлари олиб борилмоқда.

НОМАРД ҲАЙДОВЧИ

Йиқилганни суяш – марднинг иши. Аммо кишини ҳам йиқитиб, ҳам бешафқатларча ташлаб кетиш номардликдан бошқа нарса эмас. Номаълум ҳайдовчи аниқланмаган автомашинани «Тошкент–Чирчиқ» йўлининг 31-километрида бошқариб кетаётиб йўлни кесиб ўтаётган пиёда Е. Зуевни уриб юборди ва воқеа жойидан кетиб қолди. Оқибатда жабрланувчи олган жароҳати туфайли воқеа жойида оламдан ўтди.

Қўрилган тезкор тадбирларда ушбу йўл-транспорт ҳодисасини К. Марат ўзининг «Дамас» русумли автомашинасида содир этгани аниқланиб, ушланди.

«ҲАЙФ СЕНГА, ЙИГИТ ДЕГАН НОМ!»

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида номаълум шахс 8 ёшли Гулгина Аллаёрованинг қулоғидан сирғасини юлиб кетди. Изқуварларнинг тезкор саъй-ҳаракатлари туфайли ушбу жиноятни Бекобод туманида яшовчи Қ. Фурқат содир этгани аниқланиб, қўлга олинди.

Ҳимоясиз, жажжи қизалоқнинг сирғасини беҳаҳмлик билан юлиб қочган бу кимсага: «Ҳайф сенга, йигит деган ном!» дегимиз келади.

Норали ОЧИЛОВ, ИИВ Матбуот маркази бош инспектори, лейтенант.

Маърифат дарси

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА КИТОБ, КИНО ВА МУСИҚАНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир.

Ислом КАРИМОВ.

Тарихдан маълумки, қайси даврда ёш авлодга яхши тарбия берилган, комил инсонлар қилиб етиштирилган бўлса, ўша давлат, ўша жамият гуллаб-яшнаган. Ва аксинча, қайси замонда ёшлар тарбиясига кам эътибор қаратилган бўлса, ўша мамлакат, ўша салтанат таназзулга юз тутган. Инсоният тарихида бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ана шу ҳақиқатни чуқур англаган Президентимиз Ислом Каримов 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилдилар. Бундан кўзда тутилган мақсад ҳам тарихда йўл қўйилган хатоларни такрорламасликдан ҳамда ёшлар тарбиясига оқилона ёндашишдан иборатдир.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида ҳам бу мақсад ўз ифодасини топган:

«Маълумки, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир».

Дарҳақиқат, Интернет, оммавий ахборот воситалари шиддат билан ривожланаётган бир пайтда ёшлар онгига нималар кўпроқ таъсир этишига аҳамият қаратмоқ лозим. Бунда айниқса, китоб, кино ва мусиқанинг ўрни беқиёс.

«Адабиёт яшаса миллат яшар» деган эди миллий уйғониш даврининг намояндаларидан бири Абдулҳамид Чўлпон. Адабиётнинг маҳсули эса китобдир. Дунёдаги энг буюк кашфиётлардан бири ҳам шубҳасиз китоб. Бу ҳақиқат барча халқлар ва давлатлар томонидан тан олиниб келинади. Инсон ҳаётдан, ота-онадан, ҳатто устозидан ололмаган нарсасини китобдан олиши мумкин. Буюк мутафаккир шоир бобомиз Алишер Навоий бежиз «Оламда китобдан азиз дўст йўқдир» деб битмаганлар. Ҳассос ёзувчимиз Ойбек домла эса «Китоблар инсон тафаккури жавоҳирларини йиғиб, авлодларга мерос қолдиради» деб ёзганлар.

Ҳозирги ёшлар мукаммал билим олишлари учун албатта, китобга ошно бўлишлари шарт. Компьютер, оммавий ахборот воситалари маълум маънода чекланишларга эга. Сиз китобни бағрингизга босиб бепоён дала-қирларга чиқиб кетишингиз, истаган пайтда китобни варақлаб ўқишингиз, хоҳлаганча фикр юритишингиз мумкин.

«Фузулий яхши китоб, мен ҳам



ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан бошимни олмас эдим, сизамми?»

Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидан олинган бу парчани айрилиқ олдидан Кумушбиби Отабекка айтади. Бу ўринда инсон ёлғиз қолганда китоб энг яқин дўстга айланиши эътироф этилмоқда. Ёзувчи айтмоқчи, китоб инсон бошига оғир дард тушганда ҳам унга руҳий мадад бўла олади. Шунинг учун ҳам донолар қайта-қайта «китобни севинг» деб айтишган.

Афсуски, ҳозирги ёшларнинг барчаси ҳам ҳар куни китоб ўқийди деб бўлмайди. Турли хил кўнгилочар ўйинлар уларни кўпроқ ром этади. Жамоатчилик, ота-оналар ва устозлар уларни китоб ўқишга қайтариш учун кўпроқ ҳаракат қилишлари, тушунтириш ишлари олиб боришлари лозим.

Юртбошимиз буни ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарида: ҳаммамизга маълумки, муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк мутафаккир аждодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан яшашга, мардлик, саховат ва камтарликка чақиради, дея изоҳлайди.

Бу ҳақиқатни чуқур англаб етаётган ёшлар пухта билим эгаллаб чет элларга бориб ўқиш, ишлаш, ўз Ватанлари довруғини оламга таратишга муяссар бўлмоқдалар.

Ёшлар тарбиясида кино ҳам муҳим аҳамият касб этади. Санъатлар ичида кино етакчи ўрин тутади. Кинотеатрларда минглаб, телевизор ва видеомагнитофонларда эса миллионлаб томошабинлар ҳар куни кино кўрадилар. Бу кинолар уларнинг онгига, тафаккурига таъсир этади, тасаввурларини, дунёқарашларини ўзгартира боради. Демак, яратилаётган кинолар халққа, хусусан, онги шаклланаётган ёшларга қандай таъсир этишига катта аҳамият берилмоғи шарт. Буни яхши англаган Юртбошимиз Ўзбекистон кино санъати ходимларига йўллаган табригида жумладан шундай дейди: мустақил Ватанимиз кино санъати ижодкорлари ўз қадрини ростлаётган буюк халқимиз руҳи, эътиқоди ва талабига мос, юксак бадиий савияли фильмлар яратадилар деган умиддамиз.

Бу ниятлар мустақилликнинг дастлабки йилларида билдирилган эди. Орадан ўтган вақт мобайнида кинечиларимиз томонидан юқоридаги талабларга жавоб берадиган ўнлаб бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратилди. Албатта, уларнинг барчасини ҳам юксак савияли фильмлар деб бўлмайди. Аммо «Ватан» каби бир қатор фильмлар борки, улар ўзбек халқига хос фазилатлар – Ватанга садоқат, элу юртга хизмат қилиш, она заминни ардоқлаш, эзгу иш йўлида ўзини фидо этиш сифатларини мужассам этган. Ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги «18-квадрат», «Суиқасд» каби фильмлар ҳам эътиборга молик. Уларни томоша қилган ёшлар қалбида юртимизга бўлган меҳру муҳаббат янада ошади. Уни кўз қорачиғидек асраш орзуси тобора жўш уради.

Кинонинг жамиятда, кишилар онгига таъсир этишида тутган ўрни беқиёс. Буни чуқур ҳис этган марҳум шоиримиз Муҳаммад Юсуф бир пайтлар «Ўзбекфильм» деган шеър битганди. Унда, жумладан, шундай мисралар бор:

Ўзбек диёри бу – бепоён дала,
Дала тўла шийпон.
Шийпон тўла бола.
Кўнглига боқмадинг
унинг бир бора,
Энди бор, бор ўзинг
кўнглига қара.

Алам билан битилган бу шеърдан ҳам англаш мумкинки, ёшлар тарбияси учун яхши кинолар керак. Токи бу кинолар уларнинг орзу-умидларини очиб берсин. Ёш йигит-қизлар кўнглида кечаётган ҳиссиётларни ёритсин. Кейин бу киноларни кўраётган ёшлар ўзлари учун маълум хулосалар чиқарадилар, ҳаётларига жиддийроқ назар ташлайдилар. «Туташ тақдирлар», «Қайтар дунё», «Мафтуна» каби фильмлар маълум маънода ҳозирги ёшлар тақдирини, ички оламини, ўй-хаёлларини очиб беришга хизмат қилмоқда дейиш мумкин. Бу каби сериаллар телевидение орқали қайта-қайта намойиш этилганда ҳам халқимиз, айниқса, ёшлар севиб томоша қилаётганлари сабаби ҳам шунда.

Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида кино ҳақида ўз фикрини шундай билдирганлар: лекин шуни ҳам холисона айтиш керакки, ёшларнинг тарбиясига чуқур таъсир кўрсатадиган замонавий қаҳрамон образи кино экранларимизда ҳали яратилганича йўқ. Суратга олинаётган аксарият фильмларда киночиларимизнинг бугунги куннинг ҳақиқий манзараси, унинг ўткир муаммоларини чуқур ҳис эта олмаслиги, оддий одамлар ҳаётидан узоқлашиб қолгани сезилиб туради.

Бу сўзлар киночилар учун дастурламал бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

Мусиқа. Инсоннинг руҳан камол топиши учун мусиқанинг ўзига хос ўрни бор. Ўзбек халқи тарихига назар ташласак, унда мусиқа билан боғлиқ қанчадан-қанча эртак ва афсоналарга дуч келамиз. Қамишдан най ясаган чўпон дейсизми, маликани ўз қўшиқлари билан шайдо қилган ошиқ йигит дейсизми, Чангий каби буюк мусиқачиларни айтасизми.

Ҳатто Алишер Навоий ҳам соз чалган эканлар. Ўзларига тахаллус танлашларида ҳам наво-мусиқа асос бўлган. Давлатимиз раҳбарининг мусиқага бўлган эътирофи ғоят эътиборлидир: Шарқ мусиқаси – Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисмидир. Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни беқиёс.

«Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг очилишида айтилган бу сўзлар замирида катта маъно мужассам. Ахир бизнинг халқимиз минг йиллар давомида мумтоз мусиқамиз таъсирида камол топган. Она алласи билан бошланган бу мусиқа қизлар ялласига, чолғучи танбурига, карнай-сурнай садоларига, катта ашулаларга уланиб кетган. Оқибатда буюк «Шашмақом» яратилган.

Ана шу оҳанрабо куйларни, ашулаларни тинглаган, уларга жўр бўлган ёшлар халқ ва Ватан қадрини, ҳаёт ва умр мазмунини чуқурроқ, теранроқ англайдилар. Мусиқанинг қудратли кучи ҳам шунда. У инсон руҳиятини юқори пардаларга олиб чиқади. Ҳаётга меҳрли назар ташлашга ундайди. Шунинг учун ҳам бизда мусиқа санъатига, хусусан, ёшлар тарбиясида мусиқа имкониятларидан кенг фойдаланишга эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг «Республикамизда мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида»ги Фармонида ҳам шу жиҳатлар инобатга олинган. Яъни, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида иқтидорли ёшларнинг миллий анъаналарни чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш, шунингдек, жаҳон андозаларига мос равишда таълим олишлари учун махсус ўқув дастурларини тайёрлаш зарурлиги уқтирилган.

Бу борада кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. «Ниҳол» каби кўрик-танловлар, фестиваллар ўтказилмоқда. Эндиги гап саҳналарда, телеэкранларда, радио карнайларида янграётган қўшиқлар савиясида қолган. Токи бу куй ва қўшиқлар инсон қалбини забт этмас экан, унинг мудраб ётган туйғуларни уйғотмас экан, барча ҳаракатлар зое кетади. Аксинча, мусиқага ташна ёшларга акс таъсир этади. Юртбошимиз айтганларидек:

«Агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳеч гап эмас».

Ана шунисидан Худо асрасин. Бу учун барчамиз масъулдирмиз.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида кўрсатиб ўтилганидек, барча ниятларимиз, ҳаракатларимиз ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтиришдан иборат. Токи бу авлод бахту саодатга, фаровон келажакка эришсин. Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган юрт фарзандларига айлансин.

Чоршамъ РЎЗИЕВ,
журналист.

Офарин!

ЖАСУРНИНГ ЖАСОРАТИ

Жиззах вилоятидаги Тузкон қўлида юз берган ҳодиса оқибатида фуқароларнинг ҳаёти хавф остида қолди. Уларни қутқаришда жасорат кўрсатган Зафаробод тумани «Лолазор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи, 10-синф ўқувчиси Жасур Ярашовнинг номи алоҳида эътироф этилди.

Баҳор кунларининг бирида Фарҳод Қудратовнинг уйига Бухородан меҳмонлар келишди. Шу муносабат билан бир гуруҳ синфдошлар жам бўлишди. 15 киши «Тузкон» соҳилига бориб меҳмондорчиликни давом эттиришди. Бироздан сўнг саккиз киши сувда сайр қилиш учун қайиққа чиқиб, 250 метрга яқин жойга сузиб боришди. Фалокат оёқ остида, деганларидек, мазкур ҳодиса кутилмаганда юз берди. Қайиқнинг мувозанати йўқолиб, ағдарилиб кетди. Қирғоқда қолган синфдошлар бақирчақирни эшитиб, шошиб қолишди. Аммо чўкаётганларни қутқариш учун ҳеч ким сувга тушишга ботина олмади. Кўл яқинида қўй боқиб юрган Жасур Ярашов воқеани кўрибоқ ёрдамга ошиқди. Чангалзор ичидан резина қайиқни топиб ҳар бир сония ғанимат эканлигини сезиб, чўкаётганлардан кўзини узмай улар томонга сузиб борди.

– Резина қайиқ тешик экан, – дея ўша жараённи эслайди Жасур. – Шунга қарамай сузиб бориб, сув юзида қалқиб қолган биринчи одамни бир қўлим билан тутдим, иккинчи қўлим билан эса қайиққа дам солиб олдим. Кейин иккинчи кишини ҳам қутқардим.

Ёш бўлса-да, аммо матонатли йигит тезкор ҳаракат қилиб уч нафар одамни сувдан тирик олиб чиқди. Яна уч нафар фожиа иштирокчиси эса ҳаётдан кўз юмганлиги қирғоқда маълум бўлди. Қолган икки кишининг мурдаси қутқариш-қидирув тадбирлари натижасида сув қаъридан олиб чиқилди.

Айни пайтда ушбу бахтсиз ҳодиса юзасидан хулосалар қилинмоқда. Нима бўлганда ҳам маҳалладошлари Жасурнинг довюраклиги, бошига мусибат тушган инсонларга кўрсатган яхшилигини эътироф этишмоқда. Чиндан ҳам ўзини хавф-хатарга қўйиб бўлса-да, ўзгаларнинг ҳаётини асраб қолиш ҳақиқий мардларнинг иши.

Жасурнинг жасоратни эшитиб, у ўқиётган мактабга бордик. Она тили ва адабиёти ўқитувчиси Ш. Бозорбоева ўқувчиларга Навоийнинг «Ҳайратул-Аброр», яъни «Яхши кишиларнинг ҳайратланиши» асари бўйича дарс ўтаётган экан. Синфдошлари қатори Жасур Ярашов ҳам яхшилик, эзгулик, одамийлик каби инсоний фазилатлар улуғланган ушбу достонни қунт билан тингларди.

– Жасур камтарин, камсуқум, одобли ўқувчи, – дейди синф раҳбари Мамадали Норбоев. – Жамоат ишлари ва тадбирларда фаол, топшириқларни бекаму кўст бажаради.

Ана шу воқеа сабабли мактабда туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими ва кенг жамоатчилик иштирокида тадбир бўлиб ўтди. Унда Жасур Ярашовнинг кўрсатган довюраклиги ва мардлиги алоҳида эътироф этилди. Баркамол авлод йилида жасур йигитнинг жасорати барча ёшларга ўрнак бўлди, дея фахрланишди сўзга чиққанлар. Жасурга туман ҳокимлигининг эсдалик совғаси ҳамда ИИБнинг Фахрий ёрлиғи топширилди.

Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ,
майор.

Ён дафтардаги ёзувлар

ДУНЁНИ БОЛАГА БЕРГИМ КЕЛАДИ

Бола ширин, ўзидан сўзи ширин. У сўзлаётган калом ҳам, куйлаётган қўшиқ ҳам, энди тетапоя қилиб юриши, ҳамма-ҳаммаси гўзал. Бунинг сири беғуборликда бўлса керак.

* * *

Ҳар кимнинг ўз болалиги бор. Ёши улғайган сари қайтарилмас дамларни эслаб, албатта қўмсайди. Мен хаёлан болалигимга қайтганимда, бувамнинг иссиқ бағрини туяман. У киши: «Болагинамнинг боласи, ўригидан мағзи ширин», дея меҳр билан эркалаб, суярдилар.

* * *

Неъматилла бобо ҳар гал уйининг олдида автобусдан тушаётганида, неваралари у томон талпиниб, чопқиллаб келишади:

– Бува, қўлингиздаги тугунни менга беринг!

– Йўқ, менга...

Автобусдан суяб туширib қўйишни ҳам ёдларидан чиқариб, тугундаги ширинликларни талашаётган болажонлардан бобо асло ранжимайди. Аксинча, уларга боқиб яна яшараётгандек бўлади.

* * *

Салима ая фарзандларини болалигидан «ойижон» дея мурожаат қилишга ўргатди. Энди ўзи берган адабнинг тотли «меваси»дан баҳраманд бўлаяпти. Чунки неваралари унга «бувижоним-меҳрибоним» деб талпинишади. Қандай яхши.

* * *

Дам олиш куни неваралар билан болалар боғига отланаётган эдик Саида сўз қотди:

– Дадажон, Самандар биз билан бормайди-а?

Самандар унинг укаси. Гапни кўпайтирмасин, деган ўйда Саиданинг гапини маъқулладим.

– Ҳа, бормайди.

– Нега бормайди, дадажон?

Ён босганим – неварагинам қақажон бўлса қандоқ қилай, азизлар?!

* * *

Айтишларича, кишининг болалигида уч марта бахт кулиб боқар экан: тили чиққанда, атак-чечак қилиб юра бошлаганда ва сузишни ўрганганда. Ҳар биримизнинг дилбандларимизга ана шундай ажойиб бахт насиб этсин-да!

Саъдулла ШОДИЕВ.

Муносабат

МАЪНАВИЙ САЁЗЛИК ОҚИБАТИ

Яқинда бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. 16 ёшлардаги коллеж ўқувчиси – автобусга чиққанидан то манзилига етгунича – ярим соатдан кўпроқ вақт уяли телефонда дугонаси билан сўзлашиб кетди. Бир ҳисобда телефоннинг «тутаб» кетмаганига қойил қолган бўлсак, иккинчи томондан қиз боланинг узундан-узоқ гап сотишига қандай эҳтиёж бўлиши мумкинлиги ҳайратлантирди. Майли, телефон эгасиники, истаган кишиси билан хоҳлаганча гаплашишга ҳаққи бор. Бироқ ўқувчининг аралаш-куралаш тилда гаплашгани атрофдагиларнинг энсасини қотираётганди. Чиндан ҳам у гап орасида **«Ты чё?», «У ҳали патцан-ку», «о-кей», «такой-де», «есс!», «пардон»,** дея бир неча тиллардан олинган сўзларни бузиб ишлатарди. Очиғи, бундай «қурама суҳбат» салондагиларга ҳам хуш келмади.

Шу ўринда бир мулоҳаза бор: ёшларнинг хориж тилларини пухта билиши нақадар ибратли. Ўзбекистон жаҳон билан бўйлашаётган даврда, чет тилларига бўлган эҳтиёж ҳам кун сайин ортмоқда. Шу боис бир эмас, бир неча тилларни билиш, ўқиб-ўрганиш – фазилат. Аммо бу ўзбек тилини камситиш ёхуд уни бузиб сўзлаш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Тилларни мукаммал биладиган, замонавий илмлардан хабардор бўлган ёшларни кўрсак, уларнинг ақл-заковатига ҳавас қиламиз.

Афсуски, баъзан жамоат жойларида турфа тиллардаги сўзларни қориштириб гаплашаётган, миллий тилини бузиб, жаргонда сўзлашаётганларни кўрганда таъбингиз хиралашади. «Пахан», «братан», «братва», «братишка», «соққа», «кўки», «чурка», «қалпоқ қивораман», «чочвораман», «патингни юламан», «туфта» сингари сўзлар билан ўзларининг «замонавий»ликларини кўрсатишга уринаётган айрим ёшларни кўрганда ачиниб кетасан киши. Гап шундаки, бу оҳангда гаплашаётганларнинг маънавий дунёси, сўз бойлиги нақадар ғариблиги кўзга ташланиб қолмоқда. Ҳақли савол туғилади: хўш, уч-тўрт йил ўтиб ота-оналик мақомига эришгач, бундай ёшлар ўз фарзандларига қай тарика тарбия бераркин?

Менимча, бугунги кунда айримларнинг аралаш тилда, тутуруқсиз сўзлашишлари сабаби уларнинг китоб, газета ва журнал ўқимасликларидадир. Негаки, вақтли матбуотдан хабардор бўлмаган, китобнинг сеҳрли оламидан, ундаги маънолар жавоҳирини ўқимаган кишининг сўзида маза-матра бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизни ёшликдан мутолаага, муомала маданиятига, одоб-ахлоққа ва фикрлашга ўргатайлик. Уларнинг бўш вақти қандай ўтаётганлиги билан қизиқайлик.

Ахборот асрида яшаяпмиз. Бугунги замон кишиси компьютер билан тиллаша олиши, Интернет тармоғи орқали дунё янгиликларидан баҳраманд бўлиши, шунингдек, замонавий ахборот технологияларини, жумладан, уяли телефон имкониятларидан самарали фойдаланишни билиши лозим. Аммо шулар билан бир қаторда ёш авлод қалбида китобга, мутолаага меҳр уйғотишимиз керак. Эртанги авлод маънан саёзлик гирдобига тушиб қолмаслик учун ҳам бугун таълим-тарбияни кучайтиришимиз, айни пайтда миллатимиз кўзгуси бўлган тилимиз софлигига ҳам бефарқ бўлмаслигимиз шарт.

Азим ЖАМШИД.

Болалар спорти

ҲАМ САРДОР, ҲАМ МУРАББИЙ

Ўсмирларнинг бўш вақтини мазмунли ўтишида спортнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис ҳам Жиззах туманидаги 8-ўрта мактаб маъмурияти спорт залини ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйган. Бу ерда қўл жанги ва турон яккакураши тўгараклари ҳам мавжуд. Шуниси эътиборлики, мазкур спорт турлари бўйича машғулотларни «Маҳаяла посбони» жамоат тузилмаси сардори Маҳсуда Усмонова олиб боради. Айни пайтда ўттиздан зиёд 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўғил ва қизларнинг спорт билан шуғулланишига шароитлар яратилган.

– Маҳсуда маҳоратли спорт устаси, – дейди профилактика инспектори, майор Қувондиқ Қурбонов. – Уни «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори этиб тайинлаганимизда, ўғил-қизларни йиғиб қўл жанги, турон яккакураши бўйича тўгарак очиш нияти борлигини айтди. 8-мактаб маъмурияти унинг ташаббусини қўллаб-қувватлашди.

У турон яккакураши бўйича ўн икки марта республика чемпиони бўлган. 2006 йил қитъа беллашувида ҳам ўз вазн тоифасида рақибларни доғда қолдириб, Осиё чемпиони деб тан олинган.

– Бошланишида болаларни жалб этиш қийинроқ кечди, – деди М. Усмонова. – Ота-оналар билан учрашиб, тўгарак ҳақида маълумот бериб, болаларнинг бўш вақтларида спорт билан шуғулланишнинг аҳамиятини тушунтирдик. Ҳозир икки гуруҳда машғулот ўтаяпмиз.

Қулама қишлоғи Жиззах шаҳрининг ёнгинасида жойлашган. Бу ерда тўртта ёзги стадион, олтита спорт зали бор. Болалар ва қизиқувчиларнинг шаҳарга бориб спорт тўгарагига қатнашишига ҳожат йўқ. Барча спорт заллари замонавий услубда таъмирланиб, жиҳозланган.

М. Усмонованинг бир неча шогирдлари вилоят, республика мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Султон Урушбоев, Элёр Аҳмедов, Хуршид Собиров, Дилрабо Анорбоевлар республика чемпиони унвонига сазовор бўлишди. Дилдора Янгибоева эса вилоят биринчилигида ғолиблар сафидан ўрин олди.

Халқаро тоифадаги спорт устаси Маҳсуда Усмонованинг ёш шогирдлари келажакда жаҳон ареналарида юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, шоҳсупанинг юқори поғоналаридан жой олишига умид қиламиз.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Суратда: *М. Усмонова болалар билан машқ пайтида.*

Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ олган сурат.

Жиззах вилояти.

Футбол

МОҲИРЛАРНИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД

Республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг режасига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида XIX спартакиада дастурига киритилган футбол мусобақаси ўтказилди. Унда ўн иккита жамоа бош соврин учун тўп сурди.

Беллашувларда финалга чиқиш учун футболчилар астойдил ҳаракат қилишди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси МХХ, ИИВ Марказий аппарати, Қоровул қўшинлари ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ жамоалари қизғин баҳсга киришишди.

Беллашувларда республика ИИВ Марказий аппарати ва Тошкент шаҳар ИИББ жамоалари учинчи ўрин учун тўп суришди. Ўйинда асосий вақт ва ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларда ҳисоб 2:2 бўлди. Шундан сўнг жамоалар пенальтилар сериясида омадларини синаб кўришди. Қизиқарли кечган мусобақада Тошкент шаҳар ИИББ жамоасининг қўли баланд келди.

Мусобақанинг финал босқичида республика МХХ ва ИИВ Қоровул қўшинлари жамоалари майдонга тушишди. Ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ ташаббусни ўз қўлига олган Қоровул қўшинлари футболчилари ҳисобни очишга ҳаракат қилишди. Бироқ биринчи бўлимда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолинди. Иккинчи бўлимда МХХ вакиллари ўз ҳисобларига битта гол ёзиб қўйишди. Муросасиз беллашувда МХХ жамоаси ғолиб бўлди.

– Бу галги мусобақага жамоалар яхши тайёргарлик кўришгани сезилиб турди, – дейди республика «Динамо» ЖТСЖ ўқув-спорт бўлими бошлиғи, майор Б. Латипов. – Қарийб икки ҳафта давом этган беллашувларда кучлилар сараланди.

Ғолибликни қўлга киритган жамоалар ва спортчилар Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ, «Постда» мухбири.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник **Шокир ТУРДИЕВ**ни 60 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Азиз устозимиз, ва сафдошимизга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, яна кўп йиллар фарзандлари, шогирдлари бахту камолини кўриб, даврамизни тўлдириб юришини тилаймиз.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши.

Яшил майдон юлдузлари

«МАРАДОНА ЧЕМПИОНАТИ»

1974 йил Жаҳон чемпионатида янги давр бошланди. Олтин маъбудани Бразилияда умрбод қолгани учун янги жаҳон Кубоги ясалди. Бу кубок жаҳон чемпионларида тўрт йил қолиб, кейин янги чемпионларга узатилар эди. Голландияликлар бу чемпионатга «Тотал футбол»ни олиб киришди. Бу тушунчанинг таърифи жамоа ўйинчилари яхлит ҳисобланиб, ҳимоячи, ярим ҳимоячи, ҳужумчи вазифасини шароитга қараб бажариш мумкин. Масалан, ҳимоячи ҳужумга ўтса, унинг ўрнига бошқа амплуадаги футболчи ўтади. Бу рақиб жамоаси ўйинчиларига мушкуллик туғдирар эди. Ҳужумчига қарши қўйилган футболчи уни майдон бўйлаб таъқиб қилиб юрар эди. Ҳақиқатан ҳам голландлар бу футболи билан кўп жамоаларни осонликча мағлубиятга учратишди. Масалан, жаҳон чемпиони Бразилияни 2:0, Аргентинани 4:0 ҳисобида мағлуб этган. Афсуски, финал учрашувида ГФРга 2:1 ҳисобида имкониятни бой бериб, иккинчи ўрин билан кифоланишди. Чемпионатнинг «Энг яхши ўйинчиси», деб голландиялик Круифф топилди.

1978 йил Аргентинада ўтказилган жаҳон чемпионатида Аргентина терма жамоаси ҳал қилувчи учрашувда 3:1 ҳисобида Голландия устидан ғалаба қозониб, жаҳон чемпионига айланишди. Аргентина жамоаси жаҳон чемпионлари бўлишига сабаб тезкор техникавий футбол намойиш этиши, иложи борича рақиб майдони атрофида ўйин олиб бориши, тўрт нафар ҳужумчи билан ҳаракат қилиши ва албатта, минглаб ишқибозлар қўллаб-қувватлаши қўл келди.

1982 йил жаҳон чемпионатида терма жамоалар сони 16 тадан 24 тага кўпайтирилди. Сонлар кўпайтирилган бўлса ҳам охирги жаҳон чемпионатининг иккинчи ўрин соҳиби Голландия чемпионатнинг саралаш босқичларидан ўта олмади. Чунки Голландия футболида авлодлар алмашинуви юз берган эди. Худди шу мусобақада Марадона ўз ўйинини бошлади ва маҳоратли футбол юлдузи эканлигини исботлади. Кучли тартиб, юқори техник ўйинга эга бўлган Бразилия жамоасининг мазкур чемпионатда омади чопмади ва иккинчи босқич учрашувида Италияга имкониятни бой бериб қўйди. Чемпионатда Африка футбол жамоалари жуда ҳам яхши ўйин кўрсата олишди. Чунончи, Камерун терма жамоаси илк бор жаҳон чемпионатида иштирок этиб, уни мағлубиятсиз тарк этди. Бироқ гуруҳ босқичида учинчи ўринни эгаллади. Чунки барча учрашувлари дуранг ҳисобда якунланган эди. Жазоир жамоаси ҳам ўзининг илк учрашувида жаҳон чемпионлари ҳисобланмиш ГФРни 2:1 ҳисобида мағлуб этиши чемпионатда шов-шувга сабаб бўлди. Мусобақада Италия жаҳон чемпионига айланди.

Кейинги чемпионат эса Ацтеклар ватани – Мексикада бўлиб ўтди. Аслида ушбу чемпионат Колумбияда бўлиши кўзда тутилганди. Иқтисодий турғунлик сабаб чемпионат ўтказилмади. Чемпионлик Аргентинага насиб этди. Мусобақанинг ўзига хос ўйинларидан бири Англия ва Аргентина учрашуви ҳисобланади. Ўйинда Марадона иккита гол муаллифига айланди. Биринчи голини қўли билан, иккинчисини эса майдон марказидан бошлаб тўрт ўйинчини алдаб ўтиб, дарвозага жойлайди. Бу жаҳон чемпионатларидаги энг чиройли голлардан бири эди. Умуман Марадона чемпионатда ўзини маҳоратли футболчи эканлигини намойиш қилди. Жаҳонда мазкур биринчилик «Марадона чемпионати» бўлиб қолди.

Д. АБДУВАҲОБОВА тайёрлади.

Миллионлар ўйини

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ЧЕМПИОНАТ

Миллионлар ўйини – футболга ким қизиқмайди дейсиз?! Телеэкран қаршисида ёки стадионда севимли жамоасини қўллаб-қувватлайдиган, ғалабасидан олам-олам қувонган, маглубиятидан афсусланадиган мухлис – ҳақиқий футбол ишқибозидир. Бундан роппа-роса тўрт йил аввал Германияда бўлиб ўтган футбол бўйича Жаҳон чемпионатининг шиддаткор баҳслари, шовшувли финал учрашуви, Зидан ва Матераци ўртасидаги «дуэль»ни ҳалигача ҳаяжон билан ёдга оламиз. Мана, орадан тўрт йил ўтиб навбатдаги жаҳон биринчилиги – Жанубий Африка Республикасининг яшил майдонларида ўттиз иккита жамоа иштирокида кечадиган қизиқарли футбол шоусини кузатиб бориш бахтига муяссар бўламиз.

SOUTH AFRICA 2010 FIFA WORLD CUP

ГУРУҲ БОСҚИЧИ

11.06.2010
19:00 ЖАР — Мексика —:—
23:30 Уругвай — Франция —:—

12.06.2010
19:00 Аргентина — Нигерия —:—
16:30 Ж. Корея — Греция —:—
23:30 Англия — АҚШ —:—

13.06.2010
16:30 Жазоир — Словения —:—
23:30 Германия — Австралия —:—
19:00 Сербия — Гана —:—

14.06.2010
16:30 Голландия — Дания —:—
19:00 Япония — Камерун —:—
23:30 Италия — Парагвай —:—

15.06.2010
16:30 Я.Зеландия — Словакия —:—
23:30 Бразилия — КХДР —:—
19:00 Кот-д'Иувар — Португалия —:—

16.06.2010
19:00 Испания — Швейцария —:—
16:30 Гондурас — Чили —:—
23:30 ЖАР — Уругвай —:—

17.06.2010
23:30 Франция — Мексика —:—
19:00 Греция — Нигерия —:—
16:30 Аргентина — Ж. Корея —:—

18.06.2010
19:00 Словения — АҚШ —:—
23:30 Англия — Жазоир —:—
16:30 Германия — Сербия —:—

19.06.2010
19:00 Гана — Австралия —:—
16:30 Голландия — Япония —:—
23:30 Дания — Камерун —:—

20.06.2010
16:30 Словакия — Парагвай —:—
19:00 Италия — Я. Зеландия —:—
23:30 Бразилия — Кот-д'Иувар —:—

21.06.2010
16:30 Португалия — КХДР —:—
19:00 Чили — Швейцария —:—
23:30 Испания — Гондурас —:—

22.06.2010
19:00 Франция — ЖАР —:—
19:00 Мексика — Уругвай —:—
23:30 Греция — Аргентина —:—
23:30 Нигерия — Ж. Корея —:—

23.06.2010
19:00 Словения — Англия —:—
19:00 АҚШ — Жазоир —:—
23:30 Австралия — Сербия —:—
23:30 Гана — Германия —:—

24.06.2010
23:30 Камерун — Голландия —:—
23:30 Дания — Япония —:—
19:00 Парагвай—Я. Зеландия —:—
19:00 Словакия — Италия —:—

25.06.2010
19:00 Португалия — Бразилия —:—
19:00 КХДР — Кот-д'Иувар —:—
23:30 Швейцария — Гондурас —:—
23:30 Чили — Испания —:—

ПЛЭЙ-ОФФ

26.06.2010 1/8 финал
19:00 1A — 2B —:—
23:30 1C — 2D —:—

27.06.2010 1/8 финал
19:00 1D — 2C —:—
23:30 1B — 2A —:—

28.06.2010 1/8 финал
19:00 1E — 2F —:—
23:30 1G — 2H —:—

29.06.2010 1/8 финал
19:00 1F — 2E —:—
23:30 1H — 2G —:—

02.07.2010 1/4 финал
19:00 5 — 7 —:—
23:30 1 — 3 —:—

03.07.2010 1/4 финал
19:00 2 — 4 —:—
23:30 6 — 8 —:—

06.07.2010 1/2 финал
23:45 A — C —:—

07.07.2010 1/2 финал
23:45 B — D —:—

10.07.2010 учинчи ўрин учун
23:45 L1 — L2 —:—

11.07.2010 финал
23:45 W1 — W2 —:—

31 МАЙ – ХАЛҚАРО КАШАНДАЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

ЧЕКИШ ВА УНИНГ ЗАРАРЛИ ОҚИБАТЛАРИ

Жаҳон статистикасида қайд этилишича, ер юзида яшаётган эркакларнинг 60, аёлларнинг эса 20 фоизи мунтазам равишда тамаки чекади. Чекувчилар сони, айниқса ёшлар, қизлар ва ўсмирлар ўртасида йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ўтказилган тадқиқотларда кашандалар орасида эркакларнинг деярли 1/5 қисми 8-9 ёшдан чека бошлаганлигини, 92 фоиздан ортиқ чекувчилар эса чекишга 19 ёшгача ўрганганлигини кўрсатган.

Ўсмирлар кўпинча ўзларининг соддаликлари, қизиқувчанликлари сабаб чека бошлайдилар. Одам мунтазам тамаки чекканда бош мия пўстлоғида мустаҳкам шартли рефлектор алоқалари вужудга келади ва улар аста-секин маккор кашандаликка – табакоманияга олиб келади. Қадим замонларда тамаки чеккан одамларни черковга киритишмас, гулханда ёқишар, фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этишар эди. Бироқ қаттиқ жазолар ҳам бу одатнинг тарқалишини тўхтата олмаган.

Никотин заҳарли модда. Унинг бир томчиси аквариумга томизилса балиқлар ўлади. Тамаки тутуни таркибида никотин, синил кислотаси, ис гази, заҳарли смола каби канцероген, яъни саратон касаллигини келтириб чиқарувчи моддалар бор.

Ҳомиладорлик пайтида чекувчи аёлларда бу заҳарли моддалар туғилажак болага ҳам таъсир этади. Кўп ҳолларда ҳомиланинг нобуд бўлишига олиб келади. Болада психофизиологик нуқсонлар, ақлий лаёқатнинг пастлиги, асабийлик, диққат-эътиборнинг сустлиги кузатилади.

Чекиш инсоннинг меҳнат қобилиятига таъсир кўрсатиб, асаб тизими ҳужайраларини ҳолдан тойдиради, шу туфайли миянинг мантиқий ахборот йиғиш шаклидаги фаоллик қобилиятини эрта толиқтиради.

Дастлабки 1-2та сигарет чекилгандан сўнг мияда қон айланишининг қисқа муддатли яхшиланиши натижасида гўёки иш қобилияти ошгандек туюлади, ваҳоланки, бу «сохта рағбат» ҳисобланади. Бу каби ҳолат айниқса, ёшларга ўзининг салбий оқибатини келтириб чиқараётганлиги кўплаб тадқиқотларда исботланган. Чекиш таъсирида қоннинг кислород билан тўйиниши камайиб, кислород танқислиги натижасида бош мия зарарланиши юзага келади. Тамаки чекиш кўпгина касалликларга сабаб бўлади. Масалан, чекувчи инсонларда никотин таъсирида қон томирларининг торайиши ва қон айланишининг бузилиши натижасида юрак фаолияти сусайиб кетади. Никотин моддасининг марказий асаб тизимига салбий таъсири оқибатида миянинг озиқланиши бузилади. Мия фаолиятидаги тормозланиш ва қўзғалиш жараёнлари орасидаги мувофиқлик ўзгаради. Чекиш мия фаолиятига доимий қўзғатувчи таъсир этади. Бу эса асаб ҳужайраларининг тез чарчашига ва унинг нобуд бўлишига олиб келади. Тамаки таркибидаги 40дан ортиқ канцероген моддалар таъсирида хавфли ўсма касалликлари пайдо бўлади. Тамаки тутуни таркибидаги углерод оксидининг гемоглобин билан кўпроқ бирикиши натижасида ўпкада қоннинг кислородга тўйиниши пасайиб кетади. Бу эса организмдаги ҳамма аъзо ва ҳужайраларда кислород танқислигига олиб келади.

Бутун жаҳонда кашандаликка қарши тарғибот-ташвиқот тадбирларининг кучайтирилишига қарамасдан, тамаки чекиш ер юзи аҳолиси ўртасида кенг тарқалган зарарли одатлардан бири бўлиб қолмоқда ҳамда инсонларнинг соғлиғи ва умрига завол бўлмоқда. Шу боисдан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ташаббуси билан 1980 йилдан бошлаб ҳар йили жаҳонда тамаки чекишга қарши кураш куни ўтказилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, ер юзида ҳар йили 5 миллиондан зиёд киши кашандалик оқибатлари келтириб чиқарадиган турли касалликлар туфайли ҳаётдан кўз юмади. Кашандаликнинг олдини олиш юзасидан жаҳонда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмаса, 2020 йилга келиб кашандалик асоратлари келтириб чиқарадиган ўлим ҳолатлари бир неча бараварга ортиши мумкин.

Афсуски, бугунги кунда ёшлар ўртасида тамаки чекишга ружу қўяётганлар сони кўпайиб бормоқда. Айниқса, ёш қизлар (умумий таълим мактаблари ўқувчилари) ва ҳомиладорлар ўртасида чекувчилар қайд қилинмоқда.

Тамаки чекиш кашанданинг шахсий иши бўлиб қолмаслиги керак! Агар биз чекишнинг оқибатини, асоратини ёшликдан фарзандларимизга тўғри тушунтирсак, ҳеч қачон қўлига тамаки маҳсулотини олишга журъат эта олмайди.

Р. ҚЎНИШЕВ, ИИВ Санитария-эпидемиология назорат бош маркази бошлиғи ўринбосари, подполковник.

АҚЛ ЧАРХИ

Газетамизнинг 15 майдаги 20-сонида берилган машқларга қуйидаги мухлисларимиз тўғри жавоб йўллашган: **ИИВ Академияси ходими, майор Кайрат Каспаев, Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби ходими, капитан Мустақим Муҳаммедов ҳамда Бухоро вилояти Олот тумани ИИБ ходими, сержант Содиқ Пириев**.

Жавоблар қуйидагича:

Икки юриш. **1. От е6; Шоҳ х с4. 2. Фил е2#.**

Уч юриш. **1. Пиёда е4; Фарзин с5. 2. Рух е5+; Шоҳ d6. 3. Рух е6#.**

НАВБАТДАГИ МАШҚЛАР:

Оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади.

Оқлар бошлаб, уч юришда мот қилади.



Билимингизни синаб кўринг!

Жавобларингизни 232-05-51 (факс)га жўнатишингиз ёки 231-40-92 рақамли телефон орқали билдиришингиз мумкин.

Одам савдоси – оғир жиноят

ТУБАНЛИК БОТҚОҒИ

Инсон баъзан билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолади ва пешонаси деворга урилади. Яхши отга бир қамчи деганларидек, аксарият одамлар бундан тегишли хулоса чиқариб боши берк кўчага қайта қадам босишмайди. Афсуски, орамизда ёмонликдан тийилмай, тубанлик ботқоғига ботиб бораётганлар ҳам учраб турганги ачинарлидир.

Норинлик Одина Нишонова ҳам болалигидан беғубор орзулар оғушида яшаган бўлса, ажабмас. Аммо у ўз келажаги учун тўғри йўлни белгилай олмади. Шу боис қилмиши туфайли эл-юрт нафратига дучор бўлди. Оилали, уч нафар фарзанди бор бу аёлни она дейишга ҳам тил бормайди.

– Ўтган йилнинг ёзида рухсатсиз уйдан чиқиб кетдим, – дейди Уйчи туманилик Тўхтахон Пўлатова (исм-шарифлар ўзгартирилди). – Наманган шаҳридаги бозорчада танишим Наргиза билан кўришиб қолдик. У ижарада турган хонадонда бир ҳафта бирга яшадик. Саккизинчи куни Бахтиёр исмли йигит билан танишдим. У таниши Нодирага кўнгироқ қилиб, яшаб туриш учун вақтинча жой сўради. Нодира опа Ҳаққулобод шаҳрига олиб кетиши мумкинлигини айтди. Учовимиз ўша жойдаги Одина исмли аёлнинг уйига бордик...

Тўхтахон уйидан кетиб қолиб қандай мудҳиш хатога йўл қўйганини кеч тушунди. Эртаси куни Одина билан Нодира уни «бир йигитнинг кўнглини оласан», дея мажбурлашди. Кейинги кундан фаҳшга берилган кимсаларнинг кети узилмай қолди. Тўхтахон бир амаллаб у ердан қочиб чиқди. Аммо «Дамас»да Наманган шаҳрига келаётганида машинани «Тико» қувиб етиб, йўлини тўсди. О. Нишонова «Мен сени сотиб олганман, қаерга қочасан!», дея уни яна қайтариб келди. Тўхтахонни шериги Нодира Мамажонова билан бирга уриб, уйига қамаб қўйишди.

2002 йили Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан судланиб, амнистияга асосан жазодан озод қилинган О. Нишонова аввалги қилмишидан тегишли хулоса чиқармай, яна жиноятга қўл урди. У шериги билан ҳали 16 ёшга тўлмаган қизни Қўқон шаҳрига олиб боради ва бир аёлга 300 минг сўмга сотмоқчи бўлди.

Т. Пўлатованинг паспорти йўқлиги сабабли бу жиноят охирига етмади. Шундан сўнг уни яна уйларига олиб келиб, жисмоний азоб беришда давом этишди. Бу ҳўрликлардан касалликка чалинган қизнинг иккинчи марта қочишга уриниши ҳам зое кетди. О. Нишонова уни ушлаб келиб, аввалгидан ҳам оғирроқ азобларга дучор қилди. Маълум муддат ўтиб, бу ҳақда хабар топган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари тубанликка чек қўйишди.

Одам савдосига қўл урган шахслар тегишли жазога тортилди.

Расулжон ПАТТАЕВ,
майор.

Наманган вилояти.

Ҳукм ўқилди

АНТИҚА ЎҒИРЛИК

Ўғирлик. Бу ноқислик қандай кўринишда бўлмасин, барибир нафратга лойиқ. Аммо когонлик Сайфиддин Ибодуллаев содир этган ўғрилик антиқа эканлиги билан кўпчиликни лол қолдирди.

28 ёшли бу йигит аввал ҳам айнан қўли эгрилиги туфайли озодликдан маҳрум этилган эди. Аммо амнистия қўлланилиб, муддатидан олдин озодликка чиққанди. Сайфиддин қилган хатосидан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётини тўғри йўлга солиш ўрнига такроран жиноятга қўл урди.

2009 йилнинг кузи. Октябрь ойининг илиқ кунларидан бирида Бухоро шаҳридаги Номозгоҳ кўчасида санқиб юрган Сайфиддин бир ҳовлининг рўпарасида тўхтади. Аниқроғи, иморатни янгича услубда таъмирлаётган усталарнинг ишига ҳаваси келгандек уларга яқинлашди. У йигитлар билан суҳбатлашаётганда дарвоза қулфида турган калитни сездирмай олиб, чўнтагига солдию жуфтакни ростлади. Орадан 15 кунча ўтиб, шу кўчага таксида келди. Сайфиддин худди ўз уйига кираётгандек чўнтагидан калитни олиб, дарвозани бемалол очди. Таъмирлаш учун тайёрлаб қўйилган қурилиш ашёларини олиб чиқиб, машина юкхонасига жойлай бошлади. Шу пайт ичкаридан кимдир:

– Ҳой, ким бу, нима қиляпсан? – деди.

Шошиб қолган йигит дарвозани қайта қулфлади-да, ўзини таксига урди. Нима гаплигини сўраган ҳайдовчига: «Уйда дадам бор экан, тезроқ Когонга ҳайданг», деб буюрди.

Аммо Сайфиддин Ибодуллаев ҳаром луқмани ютолмади. Чунки ўғирланган нарсаларни Бухоро шаҳридаги «Моника» дўконининг хўжалик моллари бўлимига сотиш учун топшираётганда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди С. Ибодуллаевга нисбатан одилона ҳукм чиқарди. У 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Миллий ва маънавий қадриятларга ҳурмати баланд халқимиз ўғрилик жиноятини кечирилмас гуноҳ сифатида доимо қоралаб келган. Шу нуқтаи-назардан қаралганда айни куч-қувватга тўлган бир пайтда меҳнат қилиш ўрнига ўғриликни ўзига касб қилиб олган Сайфиддиннинг қилмишини асло оқлаб бўлмайди.

Отабек ТОШЕВ.
Моҳигул НАЗАРОВА.

Қилмиш – қидирмиш

УСТЮРТДА БЎЛГАН ВОҚЕА

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий чегарасига бепоён Устюрт сарҳадлари орқали борилади. Қўнғирот тумани марказидан салкам уч юз километр узоқликда Жаслиқ овули жойлашган бўлиб, ушбу гўшада 800 дан ортиқ оила истиқомат қилади.

Жаслиқ қўрғони ИИБ навбатчилик қисмида ногаҳон жиринглаган телефон тезкор навбатчи, катта лейтенант Ербол Усеров ва навбатчи ёрдамчиси, сержант Раҳметулла Қурбоновларни сергак торттирди. Бир аёл ярим тунда уйига ниқоб таққан номаълум шахслар бостириб кириб, пулларини олиб кетишгани ҳақида хабар қилди. Воқеа жойига зудлик билан етиб борган тергов-тезкор гуруҳи аъзолари қутилмаган босқинчилик юзасидан чуқур мушоҳада юритишди.

– Ярим тунда ниқобли кишилар уйимга калит танлаш йўли билан кириб, қўл-оёғимни чилвир билан маҳкам боғлашди. Оғзимга скоч ёпиштириб, пул талаб қила бошлашди. Уларнинг қийноқларига чидамай қаердалигини айтдим. Улар пулни олгач, бир зумда ғойиб бўлишди, – деб пиқиллаб йиғлади жабрланувчи Зарипа исмли аёл.

Жаслиқ қўрғони ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, майор Бекмурза Булатов ва тезкор вакил, катта лейтенант Жанбирбай Жазбергановлар воқеа жойини кўздан кечиришар экан, ҳар бир рўзғор буюмининг ўз ўрнида турганлиги ва жабрланувчи ҳеч қандай тан жароҳати олмагани уларда шубҳа уйғотди. Овулда бундай жиноятни содир этишга мойил шахслар йўқлиги, жабрланувчи ўз кўрсатмасида таъкидлаган белгилар ҳам ерлик аҳолига ўхшамаслиги изқуварларни янада ҳушёр торттирди. Аёлнинг турмуш ўртоғи Жарас билан ҳалол бўлган суҳбат масалага бироз ойдинлик киритди.

– Бир кун олдин маошимни олиб келганимда хотиним отаонасига пул жўнатмоқчи эканлигини билдирганда қаршилик кўрсатдим, – деди у. – Чунки менинг уйимдагилар ҳам укамнинг тўйига пул сўрашганди. Эртасига хизматга кетганимда уйга номаълум кимсалар бостириб кириб пулларни олиб кетганини эшитиб роса хуноб бўлдим.

Калаванинг учи топилгандек эди. Изқуварлар яна тезкор суриштирувларни давом эттиришди. Аммо Зарипа ҳар гал ўз сўзида қатъий турар, ички ишлар ходимлари мавжуд қонун-қоидаларни тушунтиришига қарамай айбини тан олишни истамасди. Ниҳоят насияга олинган тилла тақинчоқ ва шу қарзни узиш учун ўйлаб топилган пул машмашасининг "сценарийси» далил сифатида келтирилганда Зарипа бош эгди. Арзимаган хато йигирма етти ёшли аёлга жуда қимматга тушди. Ёлғон кўрсатма бергани, билиб-билмай ўзгаларга туҳмат қилгани учун унинг устидан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо олди. Эҳтимол у вазиятдан чиқиб кетиш учун шу қарорга келгандир. Лекин турмуш ўртоғи билан маслаҳатлашганида, балки ўзаро муносабатларда тушунмовчилик бўлмасди.

Овул осойишталигига рахна солиб, ходимларни беҳуда овора қилган Зарипанинг бу қилмиши аёл зоти учун исноддир.



Рассом Муроджон УНГАРОВ.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.

Ҳар кимки жафо қилса...

БОЗОРДАГИ ФИРИБГАР

Толибжон (исми ўзгартирилган) Хўжаобод туманининг Манак қишлоғида яшайди. У муқаддам судланган. Жазони ўтаб чиққач бирор ердэ ишламади. Мўмай пул топиш йўлини излай бошлади. Хаёлига келган фикрдан қувониб кетди. Ахир ким кўп – лақма одамлар. Шундайларни осонгина қармоққа илинтириш мумкин.

Шу тариқа жиноий режа тузди. Унга кўра, Толибжон тонг саҳарда Андижон шаҳридаги «Боғишамол» автомобиль бозорига борди. Унга қандай автомашинани сотиб олишнинг фарқи йўқ. Асосийси гапига ишонадиган содда одам топилса бўлгани. Толибжон бозорни айланиб юрар экан, сотувга олиб чиқилган «Тико» русумли автомашина олдида тўхтади. Унинг эгаси анча ёшга бориб қолгани кўриниб турарди. Яхши гапириб авраш мумкин. Шу мақсадда у автомашина эгаси, Андижон шаҳрида яшовчи Обиджон Ҳамдамовнинг олдига келиб, унга ўзини Нодирбек деб таништирди. Марҳамат туманида яшаши, отаси ҳожи эканлиги, унга автомашина сотиб олиш мақсадида бозорга келганини айтди. У ишончли бўлиши учун Обиджон ака билан автомашина нархи устида бироз тортишди. Сўнг автомобилни 9 млн. 250 минг сўмга сотиб олишга рози бўлди.

Толибжон Обиджон акадан автомашина калитини сўраб олди. Шу пайт Обиджон аканинг олдига танишлари Аҳмаджон Кўчқоров ва Козимжон Позиловлар келиб қолди. Толибжон машинага тўланадиган пули Марҳамат шаҳридаги уйида қолгани, бирга борса олиб беришини айтди. Ҳеч нарсадан бехабар Обиджон ака ва ҳамроҳлари Толибжон билан бирга Марҳамат шаҳрига йўл олишди. Толибжон: «Мен автомашинани синаб кўришим керак», деб уни бошқариб кетди. Улар манзилга етишгач, Толибжон автомашинани йўл четида тўхтатиб, калитини чўнтагига солди ва барчани шу ердаги ҳашаматли ошхонага бошлаб кирди. Уларга шу ошхона ўзига тегишли эканлиги, унинг эгаси, яъни дадаси ҳозир масжидга кетганини айтиб, уларни дастурхонга таклиф қилди. Ўзи эса бардан дадиллик учун 100 грамм ароқ олиб ичди. Таом келтирилгач у тез-тез овқатланди-да, шу атрофдаги «Paynet» дўконига бориб келмоқчи эканлигини маълум қилиб ташқарига чиқди. Меҳмонлар унга ишониб, ўтирган жойларидан қимирлашмади. Толибжон автомашинани бошқариб, кўздан ғойиб бўлди.

Толибжоннинг мақсади бошқа бир лақма одамга автомашинани гаровга бериб, катта пулни қўлга киритиш ва маишат қилиш эди. У автомобилни Шаҳрихон томонга бошқариб борар экан, ўзининг устомонлигига тан берди. Мени ҳеч ким топа олмайди, деб ўйлади. Бироқ у қаттиқ адашганини кейин тушунди.

Марҳамат тумани ИИБ жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимлари мазкур воқеа бўйича уч кун давомида суриштирув ишларини олиб боришди. Толибжон ўз исмини ўзгартириб, уни ҳеч ким танимайдиган Марҳамат шаҳрида жиноят содир этган бўлса-да, ўзи билмаган ҳолда воқеа жойида ашёвий далил қолдириб кетган эди.



Азизлар, огоҳ бўлинг. Толибжонга ўхшаш айёр, бировнинг ҳақидан ҳазар қилмайдиган мунофиқ одамлар орамизда бўлиши мумкин. Яна уларнинг алдовига учиб машаққатли меҳнат эвазига сотиб олган мулкингиздан айрилиб қолманг.

М. АҲМЕДОВ,
подполковник.

«Қорадори – 2010»

«ЗАҲРИ ҚОТИЛ» ШАЙДОЛАРИ

Одамларнинг умрига зомин бўлаётган, оилаларнинг бузилишига олиб келаётган манфур иллат – гиёҳвандликка қарши кураш мақсадида республикамизда ҳар йили «Қорадори» тадбири ўтказилади.

Мунтазам равишда олиб борилаётган тушунтириш ишлари, кўрилаётган қатор тезкор ва профилактик тадбирларга қарамай, айрим фуқаролар билиб туриб қонунни бузишмоқда. Улар томорқаларида таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни парваришлашаяпти, заҳри қотилни сақлаш ва сотиш билан шуғулланишаяпти.

Фарғона вилояти ИИБ ва унинг бўлинмалари ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда барча шаҳар ҳамда қишлоқларда «Қорадори-2010» тадбири давомида ана шундай ҳолатларни аниқлаб, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўришмоқда. Вилоят ИИБ, божхона бошқармаси, МХХБ ва Охунбобоев тумани ИИБ ходимлари билан биргаликда ўтказилган тадбир давомида шу туманда яшовчи С. Умида томорқасида 872 туп кўкнори ўсимлигини экиб парваришлаётгани аниқланди. Хонадон эгаси тақиқланган ўсимликни нима мақсадда етиштираётгани суриштирувлар давомида маълум бўлади.

Марғилон шаҳрида яшовчи М. Юсуф эса хонадонида сақланаётган 54,4 грамм гашиш, 31,81 грамм марихуанани ички ишлар ходимларига ўз ихтиёри билан топширди. Шунингдек, унинг томорқасида 31 туп кўкнори ўсимлиги парваришланаётгани аниқланди.

Бешариқ туманида яшовчи К. Азим томорқасида таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган 45 туп наша ўсимлигини алоҳида эътибор билан ўстираётган экан.

Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчи С. Ваҳоб ҳам бундай ножўя ишларга устаси фаранг чиқиб қолди. У томорқасида 3 туп, челакнинг ичида 2 туп, 5 литр ҳажмдаги елим идишда 2 туп наша ўсимлигини «меҳр» билан парваришлаётгани аниқланди.

Шунингдек, «Қорадори-2010» тадбири давомида Данғара туманида яшовчи У. Самин 15 туп кўкнори, Фарғона туманилик И. Раҳимжон 7 туп кўкнори ва 3 туп наша, шу туманда яшовчи Р. Жума 15 туп кўкнори ва 13 туп наша, бувайдалик И. Эътиборхон 18 туп кўкнори, Охунбобоев туманида яшовчи Ю. Маҳлиё 59 туп кўкнори, ёзёвонлик Н. Хосиятхон 3 туп кўкнори, Фарғона шаҳрида яшовчи А. Фахриддин 6 туп наша, унинг ҳамшаҳарлари А. Мухтор 8 туп кўкнори, М. Мурод 7 туп наша, бешариқлик М. Йўлчи 35 туп кўкнори, марғилонлик Т. Раҳбархон 13 туп кўкнори, риштонлик Х. Холиқ 11 туп кўкнори ўсимлиги етиштираётгани аён бўлди.

Тадбир давомида гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний сақлаш ва сотиш ҳолатларига қарши кураш ишлари ҳам жадал давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон ва Данғара туманлари ИИБ ҳамда МХХБ ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбир давомида «Чағали» блок-постида Қўқондан Тошкент шаҳрига ҳаракатланиб кетаётган «Ласетти» русумли автомашина тўхтатиб текширилганда, йўловчи, Ўзбекистон туманида яшовчи М. Назирга тегишли 10 та елим халтада наша борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди.

Қўқон шаҳрида яшовчи К. Дадахон 2 дона полимер пакетга ўралган 10 грамм миқдордаги гашишни 10 минг сўмга, Бағдод туманида истиқомат қилувчи Н. Мадамин бир дона ялтироқ қоғоз парчасига ўралган гиёҳвандлик моддасини 25 минг сўмга пуллаётганда қўлга олинди.

Ноқонуний равишда гиёҳвандлик моддаларини сақлаш ва сотиш ҳолларини кескин камайтириш, жиноятнинг бу турига қақшатқич зарба бериш учун вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ ҳамда шаҳар-туман ички ишлар бўлимлари ЖҚ ва УЖҚКБ ходимлари махсус режа асосида тезкор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Улар қишлоқ ва маҳаллаларда профилактика инспекторлари билан маҳалла фаоллари аҳоли ўртасида мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб боришаяпти. Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад томорқасида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни парваришлаётган фуқароларни аниқлаб, уларни жавобгарликка тортишгина эмас, балки билиб-билмай ана шундай қонунбузарликка йўл қўяётган ҳамюртларимизни огоҳлантириш, уларнинг заҳри қотил етиштириб, жамиятимиздаги соғлом ҳаёт тарзига путур етказишларига йўл қўймасликдир.

Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш борасидаги тадбирларни давом эттирмоқдалар. Бу турдаги жиноятни содир қилганлар, албатта, қонун олдида жавоб беришади.

Бўрибой ОМОНЗОДА,
подполковник.

Фарғона вилояти.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Қарши шаҳар ИИБ томонидан қуйидаги шахслар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.

Владимир Петрович Балчугов. 1955 йилда туғилган. 1998 йилда Россия Федерациясининг Самара шаҳрига кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-168 см, сочи, қошлари сарғиш, кўзлари жигарранг, шалпангқулоқ.

* * *

Шуҳрат Боҳодирович Чориев. 1986 йилда туғилган. 2007 йилнинг 2 июль куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-168 см, сочи, қошлари сарғиш, кўзлари жигарранг, шалпангқулоқ.

* * *

Дилмурод Ибрагимович Очилов. 1986 йилда туғилган. Қамаши тумани Адоқкомбуз қишлоғида яшаган. 2006 йилнинг 23 март куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-168 см, сочи, қошлари сарғиш, кўзлари жигарранг, бурни узунроқ, шалпангқулоқ.

* * *

Ражабхол Джуракуловна Холова. 2009 йилнинг 16 декабрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-168 см, сочи, қошлари сарғиш, кўзлари жигарранг, шалпангқулоқ.

* * *

Марк Аркадьевич Ключ. 1984 йилда туғилган. Қарши шаҳри 22-уй, 33-хонадонда яшаган.

Белгилари: бўйи 165-168 см, сочи, қошлари сарғиш, кўзлари жигарранг, шалпангқулоқ.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Қарши шаҳар ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

* * *

Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.

Комилжон Улмасович БАХРОМОВ. 1954 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек. Зангиота тумани «Назарбек» қишлоқ фуқаролар йиғини, Мактаб кўчаси, 1-уйда яшаган. 2003 йил 19 август куни пул ишлаб келиш учун уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи тахминан 175-180 см, юзи думалоқ, сочи, кўзлари ва қошлари қора, бурни ўртача катталикда, лаби ингичка, қулоқлари ўртача катталикда.

Кийимлари: эгнида оқ кўйлак, қора шим, оёғида қора чарм туфли бўлган.

* * *

Рахматилла Кудратович АБДУЛЛАЕВ. 1955 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек. Зангиота тумани, «Иттифоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини, Иттифоқ маҳалласи, Алимбува кўчаси, 21-уйда яшаган. 2006 йил 9 май куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи тахминан 170-175 см, юзи думалоқ, сочи, кўзлари ва қошлари қора, бурни ўртача катталикда, лаби ингичка, қулоқлари ўртача катталикда.

Кийимлари: эгнида оқ кўйлак, қора шим, оёғида қора чарм туфли бўлган.

* * *

Равшан Мирҳакимович ИШПЎЛАТОВ. 1979 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек. Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Аллон тор кўчаси, 20-уйда яшаган. 2006 йил 21 октябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи тахминан 165-170 см, юзи думалоқ, сочи, кўзлари ва қошлари қора, бурни ўртача катталикда, лаби ингичка, қулоқлари ўртача катталикда.

Кийимлари: эгнида кулранг спорт кийими, оёғида қора кроссовка бўлган.

* * *

Санобар Артикхожаевна ПАРДАЕВА. 1974 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек. Зангиота тумани «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини, З. Зокиров маҳалласи, Бахт кўчаси, 1-уйда яшаган. 2007 йил 8 сентябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи тахминан 165-170 см, юзи думалоқ, сочи, кўзлари ва қошлари қора, бурни ўртача катталикда, лаби ингичка, қулоқлари ўртача катталикда.

Кийимлари: эгнида вилюр матодан тикилган яшил халат ва қизил лозим, оёғида резина шиппак бўлган.

* * *

Сайма Исмаиловна МУФАЗДАЛОВА. 1925 йилда Бошқирдистонда туғилган, миллати татар. Зангиота тумани, «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини, М. Раҳимов кўчаси, 5-уйда яшаган. 2009 йил 5 сентябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи тахминан 150-155 см, юзи чўзиқроқ, сочи қора оқ аралаш, кўзлари ва қошлари қора, бурни ўртача катталикда, лаби ингичка, қулоқлари ўртача катталикда.

Кийимлари: эгнида жигарранг лозим, бошида оқ рўмол, оёғида калиш бўлган.

Юқорида исм-шарифлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБга ёки яқин ўртадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ташкилий-инспекторлик бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма бош инспектори, подполковник Зиёдилло Турсуновга онаси **ИЗЗАТ аянинг** вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти раҳбарияти ва жамоаси таҳририятнинг «На посту» газетаси ва «Щит» журнали бўйича масъул котиби Эркин Сатторовга падари бузруквори **САЙФИДДИН отанинг** вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

KAMALAK

FARZANDLARIM – UMRIM QUVONCHI

Mening pahlavonim, aziz o'g'lonim,
Tanho suyanchig'im, yurak cho'g'lmsan.
Ollohga iltijo qilgan har onim –
Evaziga topgan jonim o'g'limsan.

Injiqsan, yig'loqsan, ammo baribir
Ollohga shukrkim, jajji erkaksan.
Bir kuni qarisam, yonimda turib,
Suyanmog'im uchun juda keraksan...

* * *

Mehrimning eng nafis billur tomchisi,
G'amlar yoddan chiqar, seni eslasam.
Noming – yurakdagi quvonch elchisi,
Men seni shunchalar sog'indim, Shabnam!

Sen borsan, qayg'ular bizni eslamas,
Tashvishlar abasdir seni ko'rgan dam.
Borsanki, azoblar yodimga tushmas,
Men seni yurakdan sevaman, Shabnam!

G'iybatlar olovin o'chirgan o'zing,
Ko'zlarim unutdi nima o'zi nam.
Umrimni yoritdi shu qaro ko'zing,
Seni deb jonimni beraman, Shabnam!

Mohigul O'ktam qizi.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

O'YINQAROQ

Yaxshi bo'l, deb erkalab,
Onam meni suyarlar.
Sho'xlik qilsam gohida.
Sekin koyib qo'yarlar.

Bolasan-da, deydilar,
Ba'zan o'ylab qolaman.
Bola ekanman-da, deb,
Tag'in o'ynab qolaman.

Nodira IZATILLAYEVA,
Sirg'ali tumanidagi
304-o'rta maktab o'quvchisi.

TEZ AYTISHLAR

Muzxonada muzlagan muzdekkina muzqaymoq.
***
Sojida-yu Saodat sinfdosh hamda sirdosh.
***
O'lmas, O'ktam o'rtoqlar, O't o'rishdi o'tloqda.
***
Qora, qizil qalamni qalamdonga qamadim.
***
Chirq, chirq, chirq-chirq, Chug'lriadi chug'urchuq.
***
Yozda yoqqan yoz yomg'iri yon-atrofga yog'dek yoqdi.
***
Tal'at ta'tilda tanlovga tayyorlandi.

Zahro HASANOVA.

Jajji kitobxon uchun

KIM KUCHLI?

Asalarini hammamiz bilamiz: bol yetkazib beradi. Qovoqari-chi? U – asalarining dushmani. Kimnidir chaqib, huzur-halovat qilsa bo'ldi. Niyati ham shu. Soyasalqinda tunu kun "g'ing-g'ing"lab yotgani-yotgan...

Bir kuni asalari bilan qovoqari to'qnash kelib qolibdi. Asalari qochishga harakat qilsa, qovoqari uning yo'lini to'sarmish.

– Kel, bahslashamiz, – debdi anchadan keyin qovoqari qovog'ini uyib.

– Ishim ko'p. Rejani bajarmasam bo'lmaydi, – debdi asalari.

–Keyin bajaraverasan. Yo'q desang, mening tungi taomim bo'lasan. Qay biri senga ma'qul? – debdi qovoqari ayyorona ko'z qisib.

– Oidin nimadan bahs o'ynashimizni ayt-chi? So'ng o'ylab ko'raman, – debdi asalari ham bo'sh kelmay.

– Yo'limizda uchragan bolani chaqamiz. Shunda kim kuchli ekanligini bilib olamiz. Qovoqari gapini tugatar-tugatmas ularning ro'parasidan bir bolakay chiqib qolibdi. Asalari bolakayning ma'yus ko'ziga, sarg'ish yuziga termulib, uning kasalligini, agar bolani qovoqari chaqqudek bo'lsa, uning ahvoli og'irlashishi, hatto o'lib qolishi mumkinligini sezibdi. Shunda u:

– Bolakayni birinchi men chaqaman, xo'p desang albatta, – debdi.

– O'zim ham seni nazarda tutib turgan edim, – debdi qovoqari sovuq tirjayib. – Boshla!!!

Asalari bolakayga nish sanchibdi. So'ngra yerga qulabdi. Bolakay esa og'riqqa chidolmay yig'lab qochib ketibdi. Qovoqari asalariga yaxshilab razm solib qarasa, u allaqachon o'lib qolgan emish. Shundan so'ng qovoqari qo'rqib, joni ko'ziga shirin ko'rinib, juftakni rostlabdi.

O'zingiz ham sezgandirsiz – kim kuchli ekanligini?!

Mirzo AHAD.

QAYROQI FIKRLAR

Bolalaringizga yaxshilikni singdirib o'stiring, unga baxtni faqatgina shu beradi.
L. Betxoven.
* * *
Odamzodning birinchi tarbiyachilari onaiardir.
O. Goldsmit.
* * *
Ota donoligi bolalar uchun chinakam saboqdir.
Demokrit.
* * *
Maktablar ko'pligiga qaramay, yaxshi otalarsiz yaxshi tarbiya bo'lmaydi.
N. Karamzin.
* * *
Bolaga sajda qilmang, ulg'ayganda u joningizni oladi.
P. Buast.
* * *
Haqqoniylik hamma joyda, ayniqsa tarbiya masalasida eng muhim omildir.
L. Tolstoy.

SO'Z O'YINI

Kataklarda "Do'l" bilan boshlanuvchi shevaga oid so'zlar davomini yozib, so'z boyligingizni sinab ko'ring.

DO'L			
DO'L			
DO'L			
DO'L			
DO'L			
DO'L			

MATEMATIK BOSHQOTIRMA

1 dan 9 gacha bo'lgan soniarni takroriamasdan yechishga harakat qiling.

(1) + ◯ + (4) = (6)
\+ + + +
◯ + (4) + ◯ = (16)
\+ + + +
(6) + ◯ + (9) = (23)
‖ ‖ ‖ ‖
(12) + (14) + (19) = (45)

NIMTABASSUM

– Qanday qilib matematikadan «ikki»laring paydo bo'ldi?

– Meni Salimning yoniga o'tqazib qo'yishdi. Ablah, hech vaqoni bilmas ekan.

* * *

– Salim, ayt-chi, Napoleon o'lgandan keyin qanday voqealar yuz bergan.

– Uni ko'mishgan.

* * *

Bir bola ko'ksi to'la orden va medallar taqib olgan kishini ko'rsatib oyisidan so'radi:

– Oyijon, ana u kishiga shuncha orden-medallarni nima uchun berishgan?

– Urushda g'olib chiqqani uchun.

– Siz ham dadam bilan urishib, doim g'olib chiqasiz-ku, nega sizga bitta ham medal berishmagan?

* * *

– Voy, qanaqa yomon so'zlarni gapirayapsan, – qo'rqib so'radi onasi, – ablah, arvoh deganing nimasi? Bu gaplarni ishlatma!

– Axir, oyijon, bu so'zlarni Shekspir ham ishlatgan-ku.

– U bilan boshqa o'ynama.

* * *

Maktabda o'quvchilarga dastlabki tibbiy yordam sirlarini o'rgatishmoqda.

– Masalan, ukang tasodifan kalitini yutib yuborsa, nima qilasan?

– Deraza oynasini ko'chirib olib, keyin uyga kiraman.

Ne'mat NURMATOV.

Rasmlardagi o'nta farqni toping!

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгусихафтаучун

КЎЙ.

Бу ҳафта омад сизга кулиб боқади, барча ишингиз бароридан келади. Ҳали оила қурмаган бўлсангиз, ҳафтанинг бошида бўлажак умр йўлдошингиз билан танишишингиз мумкин. Оилалилар турмуш ўртоғидан кутилмаган совға олади. Ҳафта охирида уйингиз шодликка тўлади. Дам олиш кунлари дўстларингиз ёки қариндошларингиз сиздан хабар олишлари мумкин.

СИГИР.

Ҳафта бошида фарзандларингиздан хурсанд бўлиб кетасиз. Қариндошларингиз меҳмон бўлиб келиши мумкин. Ҳафтанинг ўрталарида вазият бир оз ўзгаради. Ўз нуқтаи назарингизни ҳимоя қилишингизга, ҳақлигингизни исботлашингизга тўғри келади. Фараз ниятли кимсаларнинг қилмишларидан эҳтиёт бўлинг, раҳбарлар билан низолашманг.

ЭГИЗАКЛАР.

Ҳатто ўз кучингизга тўла ишонсангиз ҳам, яқинларингизнинг кўмагини рад этманг. Ҳафта боши ҳамкорликдаги ишингиз учун қулай. Ҳафта ўрталарида ҳамма нарса тасодифга боғлиқ деб ишониб қоласиз. Аммо тез орада муваффақиятга эришишингиз ўз саъй-ҳаракатингизга боғлиқлигини тушуниб етасиз. Ҳафта охирида фаоллигингиз ошади.

ҚИСҚИЧБАҚА.

Майда кўнгилсизликлар тўпланиб охир-оқибат кайфиятингизни бузиши мумкин. Ўз ғам-ташвишингизга ўралашиб қолсангиз, аҳволингиз баттар ёмонлашади. Шунинг учун ўзингизни қўлга олинг, ишларингизни тартибга келтиринг. Фақат дам олиш кунлари ҳордиқ чиқарасиз, меҳнатингиз мевасини тотиб, кайфиятингиз кўтарилади, ишингиз ривож топади.

АРСЛОН.

Ушбу ҳафта сезгирлигингиз ва ҳиссиётларингиз ниҳоятда кучаяди. Атрофингиздагилар баъзан сизнинг хатти-ҳаракатингизни тушунмай қолишлари мумкин. Фақат энг зарур ҳоллардагина муросаи мадорага боринг. Бошқа вазиятларда ўз фикрингизда қатъий туринг. Ҳафтанинг охири янги ишлар бошлашингиз учун қулай.

БОШОҚ.

Оилавий муносабатларингиз яхшиланиб боради. Ҳатто бунга арзигулик сабаб бўлмаса ҳам, шу ҳафта ҳамма қариндошлар бир жойга тўпланишса яхши бўларди. Ишхонада эса ҳар доимгидан кўпроқ тер тўкиб меҳнат қилишга тўғри келади. Бундан асло ранжиманг, чунки пайти келиб меҳнатларингиз ўз самарасини беради.

ТАРОЗИ.

Душанба куни жиддий ишларга қўл урманг, муҳим қарорлар қабул қилманг. Баъзан вазият назоратингиздан чиқиб кетиши, юз берган воқеалар кайфиятингизни бузиши мумкин. Лекин кескин ҳаракатлар қилманг. Сабрли бўлсангиз, аста-секин ҳаммаси ўз жойига тушади. Ҳафтанинг сўнггида ишларингиз юришиб кетади.

ЧАЁН:

Дунё ташвишлари сизни анча толиқтиради, жонингизга тегади. Шунинг учун ҳафтанинг биринчи ярмида ёлғиз бўлганингиз, мулоқотларни камайтирганингиз маъқул. Ҳафта охирига яқинлашгани сайин ўзингизни қўлга ола борасиз. Режаларингизни обдан ўйлаб, амалга оширишга киришасиз.

ЁЙ.

Ҳафтанинг бошида икки йўл ўртасида туриб қоласиз – қай бирини танлашга қийналасиз. Ҳафтанинг ўрталарида ҳиссиётларингиз тўлиб-тошади, ҳамма ишни бир уринишда ҳал қилишга уринасиз. Қанчалик қийин бўлмасин, бунинг уддасидан чиқасиз. Ҳафтанинг охири сизга ҳар томонлама қулай.

ТОҒ ЭЧКИСИ.

Бу ҳафта умр йўлдошингиз билан ўзаро муносабатларингиз мураккаблашиши мумкин. Анчадан буён тўпланиб келаётган баҳсталаб масалалар, келишмовчиликлар шу ҳафта юзага чиқади. Ҳафтанинг ўрталарида келгуси ишларингиз юзасидан қатъий қарорга келишингиз керак.

ҚОВҒА.

Ҳафтанинг бошида қарор қабул қилиш чоғида оғир-босиқ бўлинг. Тўғри йўл танласангиз, молиявий ишларингиз ҳам, шахсий муносабатларингиз ҳам яхшиланади. Янги танишлар орттиришингиз мумкин. Кекса қариндошларингизнинг ҳолидан хабар олиб, уларнинг кўнгилларини кўтарасиз.

БАЛИК.

Ушбу ҳафта улкан ишларни амалга оширасиз. Қатъий ҳаракат қилишга мойил бўласиз. Ҳозир ҳар қандай муаммони ҳал эта оласиз. Ҳафтанинг ўрталарида ички сезгингиз жуда кучаяди. Натижада ҳар бир воқеа-ҳодисанинг асл сабабини тез илғаб етасиз. Бу қобилиятингиз мураккаб вазиятлардан чиқишингизда қўл келади.

ДИҚҚАТ, «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ!»

Республикамизда амалдаги қонунларга риоя этилиши, жиноятларнинг пайини қирқиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига нисбатан тажовузларнинг олдини олиш бўйича фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош бошқармасида «Ишонч телефони» ташкил этилган.

Марҳамат, қуйидаги телефонга қўнғироқ қилинг:

(код 8-371) 233-13-08.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси томонидан ички ишлар идоралари ходимларининг хатти-ҳаракатлари тўғрисида аҳолининг фикр-мулоҳазаларини билиш, уларнинг мурожаатларини қабул қилиш мақсадида

233-13-53

рақамли «Ишонч телефони» ташкил этилган.

Ҳурматли ҳамюртлар, марҳамат қўнғироқ қилинг.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг тизимидаги «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси	(8-371) 244-28-46, 244-28-50
Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙҲХБ	(8-361) 224-55-21
Андижон вилояти ИИБ ЙҲХБ	(8-374) 224-54-42, 226-95-01
Бухоро вилояти ИИБ ЙҲХБ	(8-365) 224-35-05, 224-18-43
Жиззах вилояти ИИБ ЙҲХБ	(8-372) 226-22-12, 226-50-87
Қашқадарё вилояти ИИБ ЙҲХБ	(8-375) 225-02-05, 225-21-28
Наманган вилояти ИИБ ЙҲХБ	(8-369) 234-06-06, 234-41-44
Навоий вилояти ИИБ ЙҲХБ	(8-436) 223-75-90, 522-28-84
Самарқанд вилояти ИИБ ЙҲХБ	(8-366) 221-81-91, 221-81-81
Сурхондарё вилояти ИИБ ЙҲХБ	(8-376) 222-41-04, 222-41-05
Сирдарё вилояти ИИБ ЙҲХБ	(8-367) 227-32-93, 227-21-02
Тошкент вилояти ИИБ ЙҲХБ	(8-371) 265-08-51, 266-50-87
Тошкент шаҳри ИИББ ЙҲХБ	(8-371) 255-93-57, 255-98 04
Хоразм вилояти ИИБ ЙҲХБ	(8-362) 225-60-05, 225-50-86
Фарғона вилояти ИИБ ЙҲХБ	(8-373) 224-49-50, 224-32-51

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашрлари «POSTDA», «НА ПОСТУ» газеталари ҳамда «QALQON», «ЩИТ» журналларига 2010 йилнинг иккинчи ярми учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Вазирлик нашрлари ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолиятларини ёритишда ва уларни халқ билан яқинлаштиришда катта аҳамият касб этмоқда. «Маърифат дарси» ва «Сиёсий-ижтимоий сабоқ» рукнларида чоп этилаётган мақолалар осойишталик посбонларининг касб маҳорати, ҳуқуқий ва маънавий савиясини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Муштарийларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида газета-журналлар мазмундорлигини оширадиган янги рукнлар ташкил этилди. Нашрларимиздан ўрин оладиган жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи қайдлари, суд очерклари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотади деб ўйлаймиз.

Нашрларимиз шунингдек, фарзандларингизни қонунга ҳурмат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Сиз азизларнинг манфаатларингизни кўзлаб, обуна нархлари оширилмади:

«POSTDA», «НА ПОСТУ» – 11700 сўм.
«QALQON», «ЩИТ» – 19200 сўм.

Обунани уюшқоқлик билан ташкил этган энг фаол ҳамкорларимизни мукофотлар кутмоқда.

ИНДЕКСЛАРИМИЗ:
«Postda» 180 (366) «На посту» 169 (367)
«Qalqon» 970 (1083) «Щит» 971 (1084)

Эслатма: банк пластик карточкалари орқали обуна бўлаётганлардан ўзларининг вилоят (шаҳар, туман) ва ички ишлар идораларининг қайси хизматидан эканлигини кўрсатиб қўйишларини сўраймиз.

ISSN 2010-5355
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI
MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**
Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Guli Nigor AVAZOVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88;
Faks: 232-05-51.
E-mail: urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-9527. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 62177 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.